

ФАРҒОНА АЁЛЛАРИНИНГ АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУР ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз ватандошлар, кайвони моллар, мунис оналар, дилбар опасингиллар!

Азал-азалдан Шарқда Она, Аёл буюк эҳтиромга сазовор бўлиб келган. Чунки у бунёдкор, яратувчи, авлодларнинг олтин шажарасини боғловчи муқаддас ришта. У бутун инсониятнинг беназир тарбиячиси. Ватан деганда онани англайдилар. Бу қиёсда буюк бир ҳақиқат борки, Она Ватан каби муқаддас, Ватан Она каби азизу муқаррамдир!

Яратувчимиз онанинг жисму жонига шундай бир қудратни жо айлаб қўйганки, унинг меҳридан бутун олам мунаввар, қаҳридан эса жами ёвузликлар, қабоҳатлар қуйиб кул бўлгусидир.

Аёлни она табиат фақат эзгулик, бунёдкорлик учун яратган. Аёли бор уйнинг чироғи ўчмайди, аёл улугланган жамият фақат тараққиёт сари боради, деб бежиз айтмайдилар. Бугун Она Ўзбекистонимиз айнан ана шу йўлдан бораётгани ҳаммамизга аён. Лекин ўзи танлаган мустақил, барқарор йўлдан бораётган мамлакатимиз тараққиётни айрим гаразгўй бадкирдорларга хуш келмаётганга ўхшайди - шу боис улар бизнинг дадил йўлимизга гов ташлаш пайига тушиб қолдилар. Андижон воқеалари ана шу ёвуз ниятни фош қилиб қўйди.

Мухтарам Юртбошимизнинг жасорати, халқимизни энг қалтис вазиятдан олиб чиқиш борасидаги

МУРОЖААТИ

салоҳияти, ақл-идроки, халқимиз, Андижон аҳлининг она-юртга садоқати туфайлигина ганимлар ўз ниятларига эриша олмадилар, юз бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олди олинди. Аммо бир қатор беғуноҳ одамларнинг ҳам қони тўкилди. Бу қонлар хорижда туриб айрим фарзандларни ўз ота-онасига қарши қайраганларни, арзимаган чойчақага сотилиб ўз юртининг тинчини бузган, ғаламис ватанфурушларни бир кун келиб албатта тутиши муқаррардир!

Мухтарам оналар, қадрли опасингиллар!

Бўлиб ўтган воқеаларга теран нигоҳ билан қарар эканмиз, тинч ҳаётимизни кўра олмаётган бузғунчилар домига илинганлар ҳам сизу бизнинг фарзандларимиз эканлиги дилчимизни огритди. Ахир, уларни ҳам биз каби оналар дунёга келтирган эмасми? Айрим фарзандларимиз, муқаддас ислом динини никоҳ қилаётганларнинг қалтис йўлга қилиб-билмай қадам босганлари ачинарли ҳолдир. Бу ўринда биз аёллар ҳам бепарволикка йўл қўйганимизни тан олмагимиз лозим. Ўйлаб қўрайлик, бўлиб ўтган муҳдиш воқеалар қайта тикланаётган ўзбекона қадриятларимиз, исломий маърифатимизнинг қайси жиҳатларига тўғри келади ўзи?! Келинлар, биз оналар ҳам ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам ва ҳеч

кимдан кам бўлмаслиги йўлида Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатга жону дилимиз, бутун иймонимиз билан қўшилиб, жипслашайлик. Ахир, мамлакатимизда истиклолнинг ўтган қисқа даврида асрларга татигулик ишлар рўёбга чиқарилмадими?!

Азалий бир ҳақиқат бор - асл ўғлон, ҳақиқий эркак бошига қилич келганда ҳам ўз онасига, синглисига, онасига, демакки, Ватанига хиёнат қилмайди! Бутун оналик, аёллик меҳримизни, маҳоратимизни ана шундай мард эркакларни тарбиялашга бахшида этайлик! Кимларнинг авлодлари эканлигимизни бирор дақиқа ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Керак бўлса, Ватан шаъни, шавкати учун жонимизни ҳам беришга тайёр фидойилар бўлайлик!

Биз, фарғоналик аёллар ишонч билан, виждонимизни ўртага қўйиб айта оламизки, Ўзбекистонга кўз олайтираётганлар хомтама бўлмасинлар. Ўз тараққиёти йўлидан Президентимиз Исроил Каримов етакчилигида дадил олға бораётган Ўзбекистонимиз, аждодлари анъанасига содиқ қолган ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди! Келинлар, бундан буён биз оналар - кипригимиз устида асраб-авайлаб ўстирган фарзандларимизнинг адашиб, ганимлар қўлига тушиб қолишларига асло йўл қўймайлик! Ўзбекистон Алпомишдек алп йигитлар, Ойбарчиндек садоқатли қизлар юрти эканлигидан ҳамisha фахрланиб яшайлик!

ОЙДИН ОРЗУЛАР БИРЛАШДИЛАР


Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси томонидан ташкил этилиб, Фарғонада ойдин орзуларни бирлаштирган "Аёл оламни тебратар" деб номланган оғоҳлик тадбирини телевизор экрани орқали томоша қилдик. Ўша куни Навбахор маҳалласи марказида тадбирни шахримизнинг барча диний-маърифий, маънавий ва ахлоқий масалалар бўйича маҳалла маслаҳатчилари бир пиёла чой устида муҳокама қилдик.

Тинчлик ўзбек халқи учун нондек муқаддас. Ҳеч бир замонда ўзбек онаси болаларини бемехрлик ботқоғига ботиб қолишини хоҳламайди. Давраимизда Сурхондарё воқеаларида Ватан ҳимояси учун жон фидо қилган мард ўғлон Улуғбек Барноевнинг онаси Сабоҳат Барноева ҳам қатнашиб, ўз фикрларини қуйидагича баён этди: - Оғоҳлик тадбирида қўшиқ айтган Ички Ишлар Академияси тингловчиларининг "Ҳеч кимдан кам эмас баҳодирларинг" деб номланган қўшиғи қалбимдан чуқур жой олди. Ҳақиқатан ҳам ўзбек ўғлонлари мардликда ҳеч кимдан кам эмас. Улар ватан деганда онани, она деганда ватанни тушунадилар. Бунинг ёрқин исботи фарзанди жарангдор Улуғбекжоннинг жасоратли аммо қисқа чакмоқдек умридир.

Сабоҳат онанинг бу сўзларидан таъсирланган Навбахор маҳалласи диний-маърифий, маънавий ахлоқий масалалар бўйича маҳалла маслаҳатчиси Қаромат Болтаева оналарга, ёш келинчақларга қарата шундай деди: - Сиз гўдагингизнинг бешигини тебратиб туриб унга айтаётган аллангиз мазмунини ҳам юртга садоқат туйғулари қоришиқ бўлсин. Зеро, ватанни севмоқни инсонга гўдақликдан сингдирадилар. Токи, гўзал юртимизда гўзал ниятли олийжаноб одамлар кўпаяверсин. "Аёл оламни тебратар" оғоҳлик тадбири ҳам ойдин орзулар бирлашган ажойиб анжуман бўлди десак, муболага эмас.

Мухаббат ЭШПЎЛОВА,
Каттақўрғон туман ҳоким ўринбосари,
шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси.

ОИЛА МУҚАДДАС ҚЎРҒОН



Қоровул қишлоғидан М. Тоҳировлар оиласи «Оилавий кутубхона эгаси» кўрик танлови ғолиби бўлди.

Урганч туман ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Раъно ҚОДИРОВА билан қўмитанинг маҳаллалар, оилалар билан олиб бораётган ишлари ҳақида суҳбатлашдик.

- Бу йўлда тушунтириш-тарғибот ишларининг турли усулларидан фойдаланмоқдамиз. Жумладан,



«Аҳил овсинлар» — Юқорибоғ қишлоғидан Р. Тоҳировлар оиласининг келинлари.

оилалар ўртасида кўрик-танловлар ўтказиш бизда яхши анъанага айланган.

Яқинда Гойбу қишлоғида "Энг яхши спортчилар оиласи" кўрик-танлови ўтказилди. О.Раҳимовлар оиласи кўрик-танлов ғолиби бўлишди.

"Юқорибоғ" қишлоғида яшовчи Р.Тоҳировлар оиласи келинлари эса "Аҳил овсинлар" танловининг ғолиби бўлишди. Туман қишлоқлари ўртасида "Оилавий кутубхона эгаси" танлови ўтказганимизда одамларимизнинг китобга бу қадар қизиқшларини кўриб жуда хурсанд бўлдик. Ана шу танловимизда оиласида 100000 дана китоблари борлиги учун, Қоровул қишлоғида яшайдиган М.Тоҳировлар оиласи ғолиб деб топилди. Уларнинг кутубхонасида ноёб қўлёзмалардан тортиб, турли даврлардаги дарсликлар ҳам бор. Бу аҳил оилада китобсевар, одобли ва комил фарзандлар тарбияланмоқда.

Туманимизда корейс, рус, қозоқ, қорақалпоқ, тожик, татар, уйғур миллатлари ўртасида ўзаро тинчлик-тотувлик, аҳиллик ўрнатилган. Турли миллат вакилларининг ўз анъаналари, урф-одатлари сақланиб қолган.

Хуллас, Урганч туманида оиласи саодатини муқаддас билувчи дину динёнати, покдомон инсонлар кўп.

Дилбар БЕКЖОНОВА



Урганч туман ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Раъно ҚОДИРОВА Гойбу қишлоғидаги «Энг яхши спортчилар оиласи» танлови ғолиби бўлган О. Раҳимовлар оиласини табрикламоқда.



«Намунали оила бекаси» кўрик-танловининг ғолиби — Қоромон қишлоғидан Г. Саттарова.



ЭЪТИҚОД

- Илм-ғоҳимизда ҳуқуқшунослик, иш юритиш ва архившунослик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, ҳўжаликнинг ҳуқуқий фаолияти йўналишларида таълим берилади. Талабаларнинг илмий ва амалий тажрибасини оширишга жиддий эътибор қаратамиз, - дейди Тошкент ҳуқуқшунослик коллежининг ҳуқуқшунослик бўлими бошлиғи Дурдонахон Назарова. —Талабаларимиз билан маҳаллаларга бориб "Ҳуқуқингизни биласизми?", "Жиноятчи бўлиб қолманг!", "Сизни қийнаётган муаммо" сингари мавзуларда савол-жавоблар, саҳна кўринишлари уюштирамиз. Ҳатто, болалар уйларига, қаришлар оромгоҳларига бориб, уларни ҳуқуқларидан хабардор қиламиз. Қувончлиси, "Устоз" жамғармасининг танловида иштирок этиб гранд совриндори бўлдим. Уларнинг йўлланмаси билан бир ой Канада давлатига бориб, янги дарс ўтиш технологияси билан танишиб келдим. Шу даражага етишувимда онам (Дилафруз аялдан миннатдорман. Фарзандларимга нисбатан эса талабчанман. - Қизим Университет талабаси, ўғлим лицейда таҳсил олади. Вақт топдик дегунча дадаси —Қаҳрамон ака "Ҳадислар"ни, мен ҳуқуқни уларга танитишга ҳаракат қиламиз.

Санобар ФАХРИДДИНОВА.



Халқимизнинг "Қайнонали келин қара келин" ва аксинча "Қайнона қайнамаса келин айнамайди" деган мақоллари бор. Тошкент шаҳрида қайноналар билан бирга яшайдиган, келинлик

“Бу бўстонни

тажрибасига эга бўлган аёллар билан суҳбатда бўлиб, ижтимоий сўров ўтказдик. Мазкур ижтимоий сўров ҳамжihatдан кичикроқ саналса-да, (унда 50га яқин аёл қатнашган), аммо унда кўтарилган масалалар кўпчилик оилаларнинг муаммосидир. Сўровномада турли тоифадаги аёллар (масалан, олий маълумотли, давлат хизматида, ўрта маълумотли, уй бекалари, бозорда ишлайдиган, 5-30 йиллик келинлик тажрибасига эга) иштирок этдилар.

Сўровда иштирок этган аёлларнинг 92% совчилар орқали оила курганликларини қайд этганлар. Афсуски, ўзи истаган қизни келин қилган қайнона негадир вақт ўтиши билан таникли адбамиз Турсуной Содиқова таъкидлаганидек, “келиннинг ҳамма ҳаракатларини зимдан ўлчайдиган, кўнгли ҳам сал нарсасга оғрийдиган бўлиб, нозик тортиб қолади”. Шу билан бирга ўғилдаги “...салбий жиҳатларини (аввалдан шундай бўлса ҳам) келиндан кўра бошлайдилар. Агар яхши томонга ўзгарса, ҳаргиз бу ҳолатга келиннинг ҳам таъсири бўлгандир демайдилар”. Баъзи оилалардаги келинга иккинчи даражали инсон каби, баъзан бегонадек муносабатда бўлиш, унинг руҳияти, ички кечинмалари билан ҳисоблашмаслик, айниқса қайноналарнинг уни “ўз йўриғига солиб олиш”ларида қаттиққўллик тамойилларини қўллашлари ёш аёлни зада қилиб қўяди. Бундайлар охир оқибат “турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан алоҳида яшасам эди” дея озу қила бошлашади. “Турмуш ўртоғингизнинг ота-онаси билан бирга яшаган яхши деб ўйлайсизми?” деган саволга 59% - аёл “ха”, 41% - “йўқ” деб жавоб қайтарганлар. Ижобий жавобларнинг аксариятида “Қариби бор уйнинг париси бўлади”, “Катталардан анча нарсаси ўрганилади ва турмушда қоқилиш ҳам бўлади”, “Вақт ўтиши билан бир-биримизни тушуниб бораёмиш” каби фикрлар айтилган.

Аммо салбий жавобларнинг мавжудлиги албатта кишини ташвишлантиради. Уни бартараф этиш фақат ёшларнинг қўлидами? Балки катталар ҳам бунга масъулдилар? Афсуски олинган 41% салбий жавобларда “1 тагина фарзанд бўлганлиги туйғайли қайнонанинг асосиз жанжал кўтариши”, “Эркинликнинг йўқлиги”, “Келинмаччиликнинг кўп бўлиши”, “Хар бир хатти-ҳаракат назорат остида” эканлиги каби ҳолатлар қайд этилган. Баъзи инсонлар кексайган сари оилада ҳамма нарсаси уларнинг измида бўлишини истайдилар, ҳар бир ишга аралашаверадилар. Лекин бу ўринлимикан? Бунинг ўрнига қайнона оналар фарзандларининг юриш-

туриши, топиш-тутишига файзу барака тилаб, шукрона қилиб ўтиришса, иззатларини сақлаб “болам-бўтам” деб, кечиримли бўлишса, муросяю мадора қилишса ҳар қандай ёшнинг юраги тош эмас-ку, албатта хурматга сазовор бўладилар-ку”, деган фикрлар ҳам билдирилган. Сўровноманинг “Қайнона-қайнота билан қанча яшаш керак?” деган қисмига аёлларнинг 50% “бир умр”, 32% “камида 5 йил”, 13% турли жавоблар (“улар хоҳлаганча”, “улар билан кимдир яшаш керак-ку”) ва 4% “ҳеч қанча”, - деб жавоб қайтарганлар.

Айтиш керакки, 50% жавоб берганларнинг барчаси 35 дан 45 ёшга қадар бўлган келинлар бўлиб, аксарияти мазкур сўровнома, агар 5 йил аввал ўтказилганда бошқача жавоб берган бўлишларини, ҳозирда эса қайнонанинг яхши ва ёмон жиҳатларига кўникиб кетганликларини, ўз ҳаётларини эндиликда бошқача тасаввур ҳам эта олмасликларини айтидилар. Бу ҳодисани қуйидагича шарҳлаш мумкин, яъни авваллари келинга нисбатан қўлланилган баъзи қаттиққўллик, кес-

кин муносабатлар четга сурилиб, қариллик сари қадам қўйган қайнона аста-секин унга суяна бошлайди. Оиланинг борди-келдиси, уйнинг тўлиқ бекалиги келин зиммасига ўтади. Келин энди ҳақиқатан ҳам ўз макемига эга ШАХСа айланади.



сақламок керак...”

Аммо бунинг учун унга камида 10-15 йилдан зиёдрок вақт керак бўлади.

Шунинг учун ҳам сўров иштирокчиларининг 87% ҳозирда оиладаги мавқеларидан қониқтишларини таъкидлаганлар. Бирок, “Сиз оиладаги ўз макеингизни ўзгартиришни хоҳлармидингиз?” - деган саволга келинларнинг 59% - “алоҳида яшашни хоҳлардим”, 30% - “баъзи масалаларни ўзим ҳал қилишни истаيمان”, 22% - “ҳамма нарсаси шундайлигича қолгани-маъқул”, 4% “моддий жиҳатдан мустақил бўлишни истардим”, каби жавоб қайтарганлар. “Оилангизда турмуш ўртоғингизни ақсингиллари, овсинлар билан яшашни қандай баҳолайсиз?”, деган саволга 88% сўровчилар бир овоздан “барча алоҳида яшагани маъқул” деган жавоб олинди. Уларда “хар бир инсоннинг ўз уйи, ўз рўзғори, ўз ташвиши бўлиши керак, ўзгалар ташвиши ортиқча”, “майда-чуйда гаплар чиқади, оқибат йўқолади”, “келишмовчиликлар кўп бўлади” ва бошқа кўплаб изоҳлар келтирилган. Ҳақиқатан ҳам мазкур ҳолат фарзандлар тарбиясида, уй йомшларини ташкиллаштиришда, оиланинг молиявий, иқтисодий аҳолини режалаштиришда ва бошқа масалаларда ўз таъсирини ўтказиши табиий бир ҳолдир.

“Келин уйдан ташқарида ишлаши керакми?” деган савол кўпчиликка маъқул келди ва 96% иштирокчилардан “албатта ишлаши керак”, чунки “у жамият билан бирга ҳамнафас яшаш лозим”, “келаётган маблағи осонлик билан топилаётганини билса, оила аъзоларини топганига қаноат қилади-ган бўлади”, “рўзгор қийинчиликларини тушунади”, “дунёқарши кенгрок бўлади”, “можаролар бекорчиликдан келиб чиқади” ва бошқа шу каби изоҳлар билан жавоб олинди.

“Келинлар оиладаги масалалар ечимига қандай фикр билдиришлари керак?” деган сўровимизга: а) “келин оилада ўз фикрига эга бўлиши керак” - 54%, б) “ўз фикрларини ҳимоя қилиши керак” - 45%, в) “катталар ва турмуш ўртоғи фикрига сўзсиз қўшилиши керак” - 32%, деган жавоб олин-

ди. Бунда “хар бир инсон мустақил фикрлаш қобилиятига эга. Лекин баъзи вақтларда оила, фарзандлар тинчлиги учун ўзгалар фикрига қулоқ солиши ва қўшилиши шарт. Бу табиийдир”, деб айтилган фикрлар ҳақиқатан ҳам ўзбекона орият, андиша, муросямадора каби мезонларнинг кучли эканлигини далолатдир. Бугунги кун ўзбек келинлари, замона билан ҳамнафас бўлишларига қарамай, оиладаги миллий анъаналарга содиқдилар. Ҳозирги замон қизлари эса “қайнона-келин муносабати”га турлича нуқтаи-назардан ёндошмоқдалар. 16-17 ёшли қизлар билан бўлган суҳбатда, уларнинг 10 тадан 9 таси “қайнона билан ўзоғи 3 йил яшаб, сўнгра алоҳида мустақил ҳаёт кечириш” истагини билдирдилар. 1 та қиз эса “хар қандай вазиятда ҳам келин ўша муҳитга қўникиши шарт, бунга мажбур”, деб жавоб берди. Уларнинг оилавий муҳити билан қизиққанимида, 9 та қиз буви ва бувалари билан бир уйда яшашлари, ҳалиги 1 та қизнинг ота-онаси эса қайнона-қайнотадан алоҳида яшашлари маълум бўлди. Мазкур ҳолатни ўрганиш эса алоҳида бир мавзудир.

Албатта оиланинг тинчлигини таъминлаш, рўзгор бутлигини сақлаш масалаларига фақатгина қайноналарнинг бош омил деб қараш ҳам унчалик тўғри эмас. Афсуски, ёшлар ичида катталар билан ҳисоблашмайдиган, жиззаки, муросясизлари ҳам борки, улар нафақат нотинч муҳит яратадилар, балки ота-она ва ўғил фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг таранглашуви, ҳатто узоклашуви ҳам сабаб-



АЁЛ: МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига қиратилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади. Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш

Ҳуқуқий дарсхона

диган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг бошига ёки охирига қўчирилиб, иш кун шунга яраша қисқартирилиши мумкин. Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарт билан бекор қилинади.

Муддати тугаганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иш берувчи ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни ишга жойлаштириши шарт.

Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Ноғирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига бола ўн олти ёшга тўлгунча қадар бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш кунни берилади. “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимиз хотин-қизларининг аҳолини яхшилашнинг янги имкониятларини белгилаб берди. Бу қонун 1999 йил 17 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шартлоарида иш-лаётган аёлларнинг даромадига имтиёз солиқ солиш тўғрисида”ги Қарорида назарда тутилган чора-тадбирлар мажмуининг мантиқий давомидир.

Қонун ҳодим давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим бўлган ишларда камида 20 йиллик иш стажига бўлган аёлларга 54 ёшга тўлганда ёшга доир нафақа олиш ҳуқуқини беришини назарда тутди.

Шунга алоҳида эътибор бериш зарурки, 54 ёшда нафақа чиқши ҳуқуқи аёлни ўз истаги бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. 54 ёшга тўлганлигини асос қилиб кўрсатиб, иш берувчи томонидан аёлларни мажбуран ишдан четлатишга йўл қўйилмайди.

М.АТАХОДЖАЕВА,

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлар судининг судьяси.

(Давоми бор.)

Хайдарали чет эллик миллионерларга ўхшаб, бойиб кетишни ўйлагани-ўйлаган. Хар куни нонуштани қилади-ю, дарвоза ёнидаги ажриққа тўшакни ташлаб, унга ёнбошлайди-да, кўзни юмиб хаёлга чўмади.

Банк очсаммикан? Битта баландрок

Албатта бойиб кетаман



Бугунги кун
Хангомакари

нима қиламан. Ундан кўра тинч яшганим маъкул...

«Яхши фермер бўлсаммикан? Банкдан қарз олиб, зотли қўйлардан боқиб қўйсам, дўппини чамбарак қилиб юравараман-да. Қўйлар етти хазинанинг биттаси. Аммо қўй дегани жуда нозик бўлади-да. Касаллик тегиб қирилиб кетса нима қиламан? Қарзни тўлашга бошим қотиб қолади-ку». Бу режа ҳам бекор бўлади.

Хар куни шундай. Бугун ҳам носни ташлаб, эндигина «Бахт»нинг номини «Марварид», деб қўйсаммикан? Деб ҳаёл суриб турган паллада хотини дарвозадан мўралаб қолди.

- Дадаси, совунга пул беринг. Кир ювай десам, совун тугабди.

- Мунчаём қисталанг қилмасанг? Бор пулни ишлатиб қўйдим, дедим-ку сенга.

- Ундай бўлса сигирнинг қозигини маҳкамрок қоқиб беринг, бўшлиб кетибди.

- Ваҳиманг қачон тугайди. Режанинг белига тепдинг-ку? Бир чеким носнинг кайфи бекорга кетди.

- Нос чекканингизни билмайман-да, дадаси, майли ўтираверинг, ўзим қоқиб олам.

- Шунча қил. Энди бойиб кетаман деганимда, хаёлни бўлма...

- Тушундим дадаси, тушундим...

Хайдаралининг кампири қайтиб ҳовлига кириб кетди. У эса ёнбошлаганча яна хаёлга чўмди. Банкнинг номини «марварид» деб қўяман».

К. НИШОНОВ

ЁЗ ҲАМ ЎТАПТИ-Ю...

Мен ҳозиргача яшаётган хонадонга кўчиб келган йиллимдан бошлаб тоғимдан чакка ўтади. Чакка сув бутун электр шитга ёйилиб, ёнгин чиқиши хавфни юзага келтиради. Чакка бор электр симларини қайта-қайта ўз ҳисобимдан таъмирлаганман. Ҳеч ким бирон кўнгилсиз фалокат юз бермайти, деб қафолат беролмайди. Бу йил эса кетма-кет ёққан қор-ёмғирлар уй ичига шаршарадай ўтиб таъмиримга жиддий зарар етказди, кўча эшигимиз эса сувдан шишиб ёпилмайдиган бўлиб қолди. Мен қизим билан ёлғиз тураман. Аёл бошим билан ўтган йили 2 марта ўз ҳисобимдан тоғим таъмирдан чиқардим. Аммо тоғим бошдан-оёқ ёлмаси бўлмас экан. Маошини таъмирлаш ишларига еткази олмайман. Кўчиб келган йиллимдан бошлаб бизга қарашли ТЖС «Адолат» ширкатига бир неча бор мурожаат қилганман. Ширкат раиси Ш. Ражабовга неча

бор оғизаки ва ёзма равишда аҳволни тушунтирдим. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмапти. Фақат ваъдалар эшитаман. Шунга қарамадан ҳар ойлик уй пулини ўз вақтида тўлаб бораман. Хар борганимда «ёзда таъмирлаймиз», деган гапни эшитаман. Мана ёзнинг бир оғи ҳам ўтиб кетди. Хар йили шу аҳвол. Уйим ой, йил сайин тўқилиб бормоқда.

Яқинда подъездларни ремонтдан чиқаришди. Пастдан қараганда топ-тоза, холбуки ҳеч ким 4- қаватга чиқиб кўрмайди. Аҳвол жуда ёмон. Ўтган давр ичида қилинган моддий зарар бир ёқда турсин, маънавий, руҳий ва соғлигимга етказилган зарарларни ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Бундай ваъдабозлардан бизларни ким ҳимоя қилади. Менга бўлган бундай муносабатдан ўз ҳуқуқларим поймол бўлган, деб ҳисоблайман.

Раъно БОБОХОНОВА,

Тошкент шаҳар,

Юнусобод тумани, 2-даҳа, 19 уй,

23- хонадон.

Арзи-ҳол

ТЎЛОВ БАНКДА АМАЛГА ОШИРИЛСА...

Кейинги пайтларда жорий этилаётган уй-жой коммунал хизматлари учун тўловларни тўлаш тартиби кишини ҳайратга солади. Хар бир ташкилот ўз билганича тўлов қозғалар жорий этган. Ташкилотларнинг кассирлари уйма-уй юриб халқдан пул йиғишади. Мисол учун «Тоҳиссикувати» да бу жараён қандай амалга оширилишини кузатсак. Машинада кассир ўтиради. Одамлардан тўловни қабул қилади ва квитанцияга думалоқ муҳр босади. Бу муҳрни беамалол ясаиб олиш фарибгарлар учун чўт эмас. Кассир ўз исмини ҳеч қаерда кўрсатмайди. Биргина имзо чекади холос. Иссиқ сув учун тўловлар энг муҳим эканини: исобга олсак «Тоҳиссикувати» кассири қўлидан қанча пул ўтаётганини таъйин этиш қийин эмас. Хўш, бу пуллари қанча давлат газнасига тўғридан-тўғри етиб боради, деб ким қафолат бера ади. Ахир тўлов кассир-

нинг қўлидаги қозғалдан бўлак ҳеч ерда қайд этилмаган-ку! Бунинг ўрнига шу тўловларни барини, яъни электр энергияси, иссиқ сув, совуқ сув, газ, ТСЖ тўловлари давлатга тегишли банкларда амалга оширилса бўлмасмикан. Ахир бундан даълатимизга фақат фойда бўлади-ку. Баи қларга ҳам кўп миқдорда нақд пул келиб ташади. Наҳотки шунини амалда тадбиқ этиш қийин бўлса. Юқоридаги ташкилотлар ҳодимлари керак бўлса ҳафта-сига 2 марта лаб ҳам пул илмиқда бир хонадонга қайта-қайта келишлари мумкин. Агар тўловлар банкларда амалга оширилса-ю, ўша ҳодимлар хар 3 ой ёки бошқа белгиланган муддатда аҳоли тўловларни қай даражада амалга оширилаётганини текширсалар айнан мақсадга мувофиқ бўлар эди.

С. ҒОҒУРОВА

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани,

Риёзий мавзеси.

Дунё тез ўзгаради, фан-техника, янгиланишлар эшик қоқиб кириб келаверади. Бироқ, шундай туйғу борки, у ҳеч қачон ўзгармаслиги, ибтидода қандай бўлса, интиҳода ҳам шундай бўлиши зарурлигини бугун замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу одамийлик туйғусидир. Бу туйғунинг барбод этилиши, ер юзига беадад қулфатларни етаклаб келиши мумкин.

Гувоҳи бўлганим бир воқеа устида тўхталсам.

- Болам, манавини кўтаришиб юбор.

- Қанча берасиз, бобой?


- Э, болам пулимнинг охирини ҳам сарфлаб қўйдим. Йўлга ҳам қолмади.

- Ну, бобой, жа-а шустрий экансиз-ку, чиқаринг кампирдан яшириб юрган пулларингизни!

- Нималар деясан, пулим бўлса сендан аяримдим.

МУЛОҲАЗА,
МУШОҲАДА,
МУНОЗАРА.

Одамийлик



Йўқолмасин

Хохласанг дуо қилиб...

Чолнинг гапи оғизда қолди. - «Пишириб енг дуоингизни». - Йигит шундай деб нари кетди. Бу пайтда қорамғиз йигит худди оламшумул ишнинг урдасидан чиққандек, кўкрак қериб, бир неча дўстлари ёнига бориб қўшилди. У ёк, бўёққа алаңлаган чол ўзи базўр юқини кўтарди. Силкиниб-силкиниб йўлга тушди. Шу пайт орқарокдан бир аёл етиб олди-да, ўз ёрдамини таклиф қилди. Улар секин-аста бекат томон жилишди. Шундагина хаёл кўчасига кириб узок ўй суриб қолганимни англадим. Ич-ичимдан нафрат отилиб чиқди.

Бу нафрат одамнинг навқирон ёшлигини тортиб олувчи ҳаётга, иқтисодгами ёки оддий бир хизматини ҳам пулга чақмоқчи бўлган қорамғиз йигитгами? Хуллас кимга ва нимагалигини билмасдим. Кўпроқ ўзимдан нафратланган бўлсам ҳам ажабмас.

Тўғри, бундай воқеа диққатга ҳам арзimasдек ҳам туюлар. Бироқ мана шу нарсани кишини ўйлантирмасдан қўймайди. Игнанинг учидек жойдан сизиб чиқаётган сув, вақт ўтиб йўлагини тобора катталаштириб боргани каби, бу ҳолат ҳам эртага бундан-да катта фожеани юзага келтиришига қандай қилиб ишонмаслик мумкин. Қарияларимиз ҳам ёшларнинг маънавияти бўлиб кетаётганидан тез-тез нолиб қолганларида, қарилқиннинг асорати дег баъзан эътибор қилмаймиз, парвойимизга ҳам келмайди. Ёшларнинг баъзи-бир ноҳўя хатти-ҳаракатларини замона зайли деган ниҳоятда қулай сўз билан кичиклашга уринамиз.

Кўча-кўйда, бозорда, ҳатто меҳмондорчиликда ҳам тез-тез бозор иқтисодиёти деган терминни эшитадиган ва ишлатадиган бўлиб қолганмиз. Ёш авлод ҳам буни жуда тез ўзлаштирмоқда. Лекин бозор иқтисодиётининг мазмуни зинҳор базинҳор кишиларни тошбағирликка ўргатиш, ҳамма нарсани пул билан ўлчаш дегани эмас. Бунинг ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Киракашлик қиладиган бир одамни биламан. Ҳатто ўз онасидан ҳам пул ундиради. Нима эмиш, қонун ҳамма учун баробар эмиш. Ўзини 9 ой қорнида кўтариб юрганини (бошқаларни қўйиб турайлик) унутиб, машинасида бори-ки қўпи билан 15-20 минут «сайр қилдиргани» учун онасидан пул сўраб олишни қонунга менгзаётган одамнинг гапларини эшитиб - инсон боласи қанча

лик тубан фикрлаши ҳам мумкинлигига амин бўласан киши.

Ривоят эшитганим, қадимда бир авлиё ўтган экан. бир куни у шогирдлари билан кетаётганда, ёнларидан ниҳоятда бир хушсура-ти йигит тавозе билан салом бериб ўтибди. Шогирдларнинг барчаси одобли, юзидан нур ёғилиб турган йигитнинг орқасидан ҳавас билан қараб қолишди. Бунинг кўрган авлиё хўрсиниб, афсус деб қўйибди. Таажжубга тушган шогирдлар устозларидан бу афсуснинг сабабини сўрашганда: авлиё - «Афсус шундай барно йигит эртага бу ёруғ оламдан кўз юмади. Тақдирига шу ёзилган», - дебди. Ҳамма бирдек сукутга чўшиб, йигитга ачина бошлашди.

Орадан бир неча кун ўтибди. Авлиё ва унинг шогирдлари яна кетишаётган экан, қаршиларидан ўша кунги йигит келаётган эмиш. У яна одоб билан

қўлини кўксига қўйиб салом бериб ўтибди.

Авлиё тўхтабди-да, шогирдларига юзланиб шундай дебди: «Азизларим, ҳозир ҳаммагиз менинг адашганимга гувоҳ бўлдингиз, лекин яна бир бор айтаман, айтилган кун у бу ёруғ олам билан хайрлашиши керак эди. Аммо... келинг яхшии ўзини қақиринглар, ўзи айтиб беради»...

Шогирдлар уни қақиринибди. Йигит келгач, авлиё унга, «Бизга-ўзингга бир неча кун аввал ажал таҳдид қилгани ва ундан қандай қутилганингни айтиб бер», - дебди.

«Ҳа, - дебди, йигит. - Шундоқ кўз ўнгимда эски чолдевор қулаб тушди. Агар бир вақтлар кўприк ёнида бир қарияга дуч келганимда, у кишини опичлаб ўтказиб қўйганимда, бонингки, мана шу хизматим учун 10-15 сония вақт йўқотганимда, ёки нуруний киши «бошинг тошдан бўлсин, кўп яша», - деб мени алқамаганда, девор остида қолб, бу дунёда яшаш бахтидан мосуво бўлишнинг аниқ эди. Чолнинг дуоси мени ўлимдан сақлаб қолди.

Шогирдлар ҳам бу воқеадан етарлича хулоса чиқариб олишди. Албатта бу бир ривоят, лекин унинг замирида, маъно қатларида ҳақиқат ётганлигига шубҳа қилмасам ҳам бўлаверади. Ўзини, ўзлигини таниган жаҳон мамлакатларида, хусусан бизнинг мамлакатимизда ҳам миллий анъаналарни сақлаб қолиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Миллий руҳни, халқнинг энг покиза хислатларини сақлаб қолишининг ҳосияти, самараси қурилажак кучли давлатнинг пойдеворини ташкил қилиши тарихда синалган ҳақиқатлардан биридир.

ИНОМЖОН АБДИЕВ

Бекат ўриндиғида ўз автобусимни кутиб ўтирарканман, бу томонга ўтиш учун катта йўлнинг нариги бетида турган йигит билан қизга кўзим тушди. Улар йўлни кесиб бекатга яқинлашдилар. Шундагина мен икки қўли бинт билан боғланган йигитнинг ёнидаги қизни сўқиб, силтаб келатганини кўрдим. Қизнинг чеҳраси ҳаяжонли, бекатни айланиб, одам-

- Куёвимизга салом, айтгин! - деди-да, сал нарироқча кузатиб келиб, яна машинага ўтирди. Хайдовчи газ берса-да, машина юрай демасди.

У ёнидаги аёлга нимадир деди. Аёл тушиб машинани итармоқчи бўлди. Аммо, кучи етмади. Эрак ҳам машинадан тушиб, ёрдамлаша бошлади. Аммо машина қимирламасди. Аёл бе-

- «Уйга боямиз! Бўл, овқат пишйгин, адам келса сени яна уяди...», - бола энди ҳикиллаб йўғлай бошлади. Аёл боласини яна силтаб ташлади. Болакай ҳам ўжаргина экан, ерга ўтириб олди. Машинчасини ерга уриб синдирди. Ичидан қандайдир ингичка темирни сўғуриб олди-да, онасининг болдирига тикди. Аёл додлаб юборди. Ўғилчасини бир шапати урди. Кейин ёнидаги аёлга изоҳ бера бошлади.

- Ха, қўлинг

автобусга чиқди. Автобус кетгунча ёнимда ўтирган эрак аёлга силри имо-ишоралар қилиб ўтирди.

Бир тиланчи йигит бекатдаги газета сотиш дўконига суяниб ўтирарди. У кўзларини ғалати айлантлар, бир оёғини узатиб олган, бир қўлини тинмай ликилатарди. Савобталаб халқмиз-да, унга раҳимни келиб юз сум ташлашди. Шу пайт 60-қадамли автобус келиб қолди. Ундан бир йигит тушди, чиптачи бўлса керак.

Тиланчининг ёнига келди.
- Илаш, қақадан қанча бор? - деб сўради.

Тиланчи одамларнинг раҳимини келтираётган кўзларини жойига келтириб, сумкага қўлини тикди.

- Бугун шанба-да, одам кам бўлди, пул ҳам кам, тушгача тўрт минг йўғдим, холос, ака, - деди.

- Ма, кечаги берган 9 минг пулигини йирикладим, тўрт мингни эртага олсан, - деди-да, чиптачи автобусга юрди.

Тиланчи қўлидаги бир даста пулни санаркан, сира букилмайди-ган қилиб кўрсатадиган оёқларини бўкиб чордона куриб олганди.

Бир пайт у ўрнидан сакраб турди.

- Забий ака, шошманг, минг сўм кам берибсиз-ку, - дея кўзгалаётган автобуснинг ортидан юрди. Бекатдагилар қатори мен ҳам хайратдан қотиб қолдим. Ваҳоланки, йигит солпа-соғ экан. У келди-да, тикилиб турган одамларнинг кўзига қарамасдан сумкаларини олганча кўздан ғойиб бўлди.

Мен охири кўринмайдиган бу воқеалардан толқидим. Ун лахза ичида шунча воқеа-а! Ишонсангиз, бекат ҳам театрга ўхшар экан. Фақат бу ердаги одамлар, актёрлар ҳар-хил, жуда табиий рол ўйнашди. Агар ана бериб ўтирсам, яна қизикроқ ҳодисаларга дуч келардим... Аммо, мен кутган автобус келиб қолди. Уйга кечикаётганим учун афсус билан, энг қизик воқеалар юз берадиган бекатни тарк этдим...

БАСИРА

Автобусим келгунча...

лардан четроққа ўтмоқчи бўларди. Аммо йигит унинг йўлини тўсиб, бошқа ёққа сударди. Улар газета сотиладиган дўкон ёнига келишди. Йигит қизни бир мушт туширганди, қўлидаги бинтлари ечилиб кетди. У ғазаб билан қизни бўға бошлади. Шу пайт икки нафар бакуват йигит югуриб бориб, уларни ажратмоқчи бўлишди. Йигит бақириб, уларга ташланди. Қайдандир милиционер пайдо бўлди. У йигитларни тинчитмоқчи бўлиб:

- Нима гап, нима тўпалон? - деб сўради.

Хар ҳолда қизни қутқариб, деб энгил тин олдим. Бирок, гап бошқа томонга айланди. Қизгина безрайганча милиционерга:

- Мана бу йигитлар менга тегажоллик қилишаётганди. Ботир акам мени ёнимга тушди, - деди.

Йигитлар менга қараб илтижо қилишди:

- Кенноий, сиз ҳаммасини кўриб тургандингиз. Айтинг, ким айбдор? Ахир биз бу қизни халос қилмоқчи эдик.

Мен, яна уч-тўрт киши ҳам, милиционерга бу йигитларнинг ҳақлиги ҳақида гапирдик. Милиционер йигит билан қизни бўлимга олиб кетди.

Энди бундан сўнг йигитлар ҳеч қимнинг ёнига тушмасалар керак.

Улар кетган, яна йўлга қарадим. Автобусим сира кўринай демасди. Бўм-бўш бекатга бир "Газ-24" келиб тўхтади. Машина ичидан чақалоқ кўтариб олган ёш жувон тушди. Бир аёл унинг сумка ва туғунларини олиб бериб, ўлиб хайрлашди. Сўнг:

чора бор кучи билан машинани итарарар, рўмоли елкасига тушиб оқарган сочлари кўриниб қолганини ҳам сезмасди. Шу пайт бекат ёнидаги дорихонадан бир мўйсафид чиқди. Кичик жуссали бу киши бекатга келиб бу ҳолни кўрди-да, томошабин бўлиб турган эракларга қараб:

- Ҳайф, сенларга-е! Оналаринг тенги бир аёл машина итарса-ю, сенлар без бўлиб тикилиб турсаларинг-а? - деди. Чол аёл ва эракка машинага

чиқишларини сўради. Улар ўтиришгач, рўлдаги кишига нималарнидир тушунтирди-да, келиб машинани энгил итарди. Машина ўт олиб, туриллаб юриб кетди. Чол машина юриб кетган яна бекатга келди. Кимдир жой берганди, у ўтирмади.

Бу вақтда ёнимдаги икки аёлни ва уларнинг ёнида турган қор-қоғина болакайга қараб ўтирардим. Кийинишдан анчагина эпсизлиги кўриниб турган жувон, бир аёл билан гаплашиб турарди. Болакай машинчасини юргизиб ўйнай бошлади. Кейин зерикди-да, келиб онасига:

- Кетдик, уйга кетдик, - деб онасининг этагидан торта бошлади. Аёл боланинг қўлини бир силтаб, этагини бўшатиб олди-да, унга эътибор бермай гапини гапирарверди. Қўлидаги сумкасида картошка, пиёз, сабзи, афтидан бозор қилган кўринади. Бола яна онасининг қўлидан тортиди.

Бекатда...



ҚАДР-ҚУЙМАТ ПУЛДАМИ?

- Маҳаллага янги кўчиб келган кезларимизда қўшни аёл тонг сахардан пул сўраб чиқди, - дея дард-хасратини иззор қилишга тушди, кўнгирок қилаётган аёл. - Янги уй олганлигимиз учун қўлимиз биров кискароқ эди. Минг-хилолат чекиб қўшни аёлга вазиятни тушунтирдим. Аёл сўзларимни тугатар-туғатмас, қовқоқлар осилиб, кўча эшикка отилди. Ортидан қараб қилиб мендан хафа бўлганини сездим. Бу воқеа ёдимдан ҳам чиқиб кетди. Аммо кун кеча бир воқеа юз берди-ю, дилим оғриди. Одатдагидек, ишдан кейин уйда рўзгор ишлари билан банд эдим. Кўча томондан алланарсаннинг тарақлаган товуши эшитилди. Ҳўжайиним: "Чиқиб қара, нима гап, қўшнилар тинчми?" - деди. Рўпарамизда Нина ҳола деган аёл ёлғиз ўзи яшарди. Чиқиб қарасам Нина ҳола жиҳозларини сотаётган экан. Тарақлаган товуш шу уйдан чиққан экан. "Ҳола, яхши ўтирибсизми?" - дея қўшниникига кирдим. Кампир менга қўзи тутиши билан юзига табассум ёйилиб, ичкарига тақлиф қилди. "Уни тақлиф қилмай қўяверинг, мен уни қимлигини айтганман-ку, сизга", - деди ичкаридан кимдир русча-лаб кампирга. Бу гапни эшитган нима қилишни билмай турган жойимда қаволалиб қолдим. Кампир ҳам сир бўлиб бермади-да: "Кир, киравер", - деди

менга. Ўсал бўлганимни сездирмай, ичкарига ҳатлаб уч-тўрт рус аёллари билан суҳбатлашиб ўтирган қўшни аёлга кўзим тушди. Ҳеч нарсани билмагандек, мен билан сўрашди. Ҳеч гапни эшитмагандек, мен ҳам унга ҳушмуомалалик билан жавоб қайтардим. Лекин, юрагимга зилдай тош туғиб қайтдим ортга. У аёлга мен нима ёмонлик қилдимки, ортимдан фиски-фасод тарқатиб юрибди, деган алам-ли ўй кечди дилимдан. У аёл ёш эмас, ақлини таниб олган, эллик ёшлардаги, эскича

қўшниникига кирдим. Кампир менга қўзи тутиши билан юзига табассум ёйилиб, ичкарига тақлиф қилди. "Уни тақлиф қилмай қўяверинг, мен уни қимлигини айтганман-ку, сизга", - деди ичкаридан кимдир русча-лаб кампирга. Бу гапни эшитган нима қилишни билмай турган жойимда қаволалиб қолдим. Кампир ҳам сир бўлиб бермади-да: "Кир, киравер", - деди

менга. Ўсал бўлганимни сездирмай, ичкарига ҳатлаб уч-тўрт рус аёллари билан суҳбатлашиб ўтирган қўшни аёлга кўзим тушди. Ҳеч нарсани билмагандек, мен билан сўрашди. Ҳеч гапни эшитмагандек, мен ҳам унга ҳушмуомалалик билан жавоб қайтардим. Лекин, юрагимга зилдай тош туғиб қайтдим ортга. У аёлга мен нима ёмонлик қилдимки, ортимдан фиски-фасод тарқатиб юрибди, деган алам-ли ўй кечди дилимдан. У аёл ёш эмас, ақлини таниб олган, эллик ёшлардаги, эскича

Қўнгирокларингиз...

Жуда ёмон тушкун ҳолатдаман. Ҳозир мени кўрсангиз, қўриқиб кетасиз, - гушакдан ёшгина жувонинг овози эшитилди.

- Ҳаммаёғим кўкариб, шишиб кетганидан кўчага чиқолмай, ишга боролмай юрибман.

- Нима бўлди ўзим?

- Кеча эрим сал қолди мени ўлдириб қўйишига. Қўлимга дуч келган болалар ўриндиғини отганимдан кейин бир зум қотиб турди-да, сўнг эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетди. Анча муддат кўрқанимдан бир бурчақда гужанак бўлиб қайтишни кутдим. Шу кетганча уч кундан буён йўқ. Яхшиямки, болаларим уйда эмас эди. Ик-

БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК ОРАСИ

Жуда ёмон тушкун ҳолатдаман. Ҳозир мени кўрсангиз, қўриқиб кетасиз, - гушакдан ёшгина жувонинг овози эшитилди.

- Ҳаммаёғим кўкариб, шишиб кетганидан кўчага чиқолмай, ишга боролмай юрибман.

Жуда ёмон тушкун ҳолатдаман. Ҳозир мени кўрсангиз, қўриқиб кетасиз, - гушакдан ёшгина жувонинг овози эшитилди.

қўнғлим бўш бўлиб қолган. Қаригина отам бор. Отам ҳам аҳволимни кўриб жуда хафа бўладилар. "Келгин" дейдилар. Аммо уларга юк бўлишни истамайман.

- Бирон жойда ишлайсизми?

- Мактаб директориман. Эримнинг бу "хунари" туфайли ҳафталаб ишга чиқолмайман. Ўқитувчилар, ўқувчилардан уяламан...

- Ўқимишли, ўзгаларни ўқитадиган аёл экансиз... Нега эрингиз билан очикчагина гаплашиб олмайсиз? Эрта бир кун майиб бўлиб қолсангиз, болаларингиз "изиллаб" қолмайдими? Эрингизнинг қўнғлида нима бор - Худо билади...

Жуда ёмон тушкун ҳолатдаман. Ҳозир мени кўрсангиз, қўриқиб кетасиз, - гушакдан ёшгина жувонинг овози эшитилди.

Жуда ёмон тушкун ҳолатдаман. Ҳозир мени кўрсангиз, қўриқиб кетасиз, - гушакдан ёшгина жувонинг овози эшитилди.

Жуда ёмон тушкун ҳолатдаман. Ҳозир мени кўрсангиз, қўриқиб кетасиз, - гушакдан ёшгина жувонинг овози эшитилди.

Жуда ёмон тушкун ҳолатдаман. Ҳозир мени кўрсангиз, қўриқиб кетасиз, - гушакдан ёшгина жувонинг овози эшитилди.

ХАҚИҚИЙ МАСЛАХАТЧИ—ЮРАГИНГИЗ

Хурматли синглим С. Хатингиз мени бефарқ қолдирмади. Эшим 48 да, бешта фарзанднинг сеvimли она-жонисиман. Катта бир бахтли оиланинг бекаси, куда-андаликман, худо хохласа яқинда набиралик бўламан. Энди сизнинг ҳаётингизга келсак, сиз аввало қизларингиздан маслаҳат олинг. Улар сизни тўғри тушунишар деб ўйлайман. Кудда-андаларингиз ҳам бунга нотўғри кўз билан қарашмаса керак. Турмуш икир-чикирларини баланд-пастликлардан, мураккабликлардан иборат эканлигини улар жуда яхши тушунадилар. Чунки ҳали сиз ёш экансиз. Кичик қизингизни ҳам турмушга чиқарсангиз ёлғиз ўзингиз қоласиз. Айтишади-ку, ёлғизлик фақат Оллоҳга ярашади деб. Қизларингизнинг отаси билан 11 йилдан буён бирга яшамас экансиз, у киши билан қонуний ажралиб, Б. ака билан турмуш қуринг. Айтганингиздай Б. ака яхши одамга ўхшайди. Синглим С, ҳаёт ўзи мўъжизалардан иборат, шундай мўъжизалар бўлади-ки, сиз буни тасаввур ҳам қила олмайсиз. Эшитган бир ривоятимда бир киши чўлда кудукка дуч келади ва челақ бўлса эди, сув ичардим дейди. Шу вақт кудук томон келаётган охулар тўдасини кўриб, ўзини четга олади. Улар кудукка яқинлашганда сув тўлиб-тошиб, жониворлар чанқоғини қондиришади. Охулар кетган сув ортига қайтиб кетади. Шунда у киши кудукка дейди.

— Менинг шу жониворларчалик хурматим йўқми?

— Сен челаққа таваккал қилдинг, улар эса худого таваккал қилиб келишди. Энди сенга челақ сув берсин, — деган овоз эшитилди кудукдан. Ҳар бандар ҳар ишда Худого таваккал қилса тўғри йўлни топиши аниқ.

Менинг бир танишимнинг бошига гамташвиш тушган эди. У ҳам таваккал қилиб бир яхши инсонга турмушга чиққан. Хозир улар бахтли ҳаёт кечирмоқда. Синглим С, сизга соғлиқ, узок умр тилаш билан бирга, Б. акага турмушга чиқиб, бахтли бўлинг деб қоламан.

Меҳринисо АСЛАНОВА,
Тошкент шахри.

Хурматли синглим С. Изтироб билан битилган мактубингизни ўқиб, сизнинг ўтган умрингизга ачиниб кетдим. Кўнглимда баъзи ўй ва мулоҳазалар пайдо бўлдики, уларни сизга билдиришни лозим топдим. Аввало андишаликка аёлга ўхшайсиз.

Эрингиз ҳақида биронта ёмон сўз битмагансиз. Иккинчидан ёшгина жувоннинг 11 йилдан бери дардини ичига ютиб яшашининг ўзи сабр-тоқатининг қанчалик кучлилигини кўрсатади. Бошқа ҳар қандай аёл аллақачон турмуш қуришга улгурган ёки шунга ўхшаш ташвишларга ўралашиб қолган бўларди. Лекин



ҳаётингизнинг бир жиҳатини унчалик англолмадим. 11 йилдан бери қоғозда эр-хотинимиз ҳолос дегансиз. Демак, бир уйда бегона бўлиб яшагансизлар. У киши болалари ва сизни эр ва ота сифатида таъминлаб келган, шундайми? Сиз бу ерда интим муносабатларингизга назарда тутгансиз чамамда. Агар шундай бўлса муаммоларингизнинг ечими анчайин осон кечмайди. Қоғозда ажрим бўлмаган бўлса-да, эл кўзида алоҳида яшаб келган бўлсангиз, одамларнинг сизни тушуниши унчалик қийин эмас. Нима бўлганда ҳам энг аввало аросат турмушингизга аниқлик киритиб олишингиз керак. Қизларингиз ва бошқа яқинларингиз билан маслаҳатлашинг. Кимдир тўғри тушуниб сизни қўллаши, кимдир нотўғри тушуниб норозилик билдириши мумкин. Лекин яқинларингизнинг олдида ўтишингиз шарт. Бу айтганларимнинг бари қўриниб турган нарсалар ҳолос. Энди сизга энг асосий маслаҳатимни бераман. Ҳар бир одам юрагининг туб-тубида ҳамиша тўғри йўлни кўрсатиб ту-

радиган ички овоз бўлади. Эътибор берган бўлсангиз, ниманидир қилишни хохламасангиз ҳам ич-ичингиздан қандайдир ундовни ҳис қиласиз. Баъзан аксинча, ниманидир қилишни жуда- жуда хохлайсиз-у қандайдир куч сизни қайтаришга уринади. Кўпинча у овоз ўзимизнинг кучли истагимиз туфайли эшитилмай қолади ёки эшитмаганга соламыз.

Шунда ҳам у бари-бир шивирлашдан тўхтамайди. Буни баъзан тан оламыз, баъзан йўқ. Аммо ҳақиқий маслаҳатчи юрагингиз эканлигини унутманг. Юрагингиз буюрганини қилинг. У нимага ундаётган бўлса ўша тўғри йўл, Қўрқманг! Бахт орзу-умидлар қиёфасида, истаклар, мақсадлар қўринишида инсон рўбарўсида туради. У бахтга етиб бориши учун оралиқдаги маълум масофани босиб ўтиши керак бўлади. Унга етишни хохлаган одам олдида нималар чиқса ҳам орқасига қайтмай олдинга интилаваради. Қўрқмасдан оёқлари остидаги тиконларни босиб, тошларга қўқилиб, чақалақлардан адашмай ўтолгангина бахтга эришади. Содда қилиб айтганда жарга қулаб ўлмаган, ҳалокатдан омон қолган, ҳар хил балолардан соғ чиққан одамга қарата, бахтингиз бор экан-а, деб айтишади-ку. Қўрқиб орқага қайтсангиз, тамом. Ҳеч нарсага дуч келмайсиз ва ҳеч нарсага эришмайсиз. Б. аканинг виждонли одамга ўхшайди. Бунақа масалада камдан-кам одам у кишининг тақлифини айта олади. Бу сизга Оллоҳ берган бир имкониятдир. Бундан кечсангиз қолган умрингиз яна ҳам мазмунсиз ўтиши мумкин. Шундай бўлса-да вазиятни яхшилаб ўрганинг. Иккинчи марта қўқилишингиз сизга жуда қимматга тушади. Шунини унутманг. Аммо, инсон дунёга нима учун келади? Қийинчиликлардан қўрқиб, яшриниб бир амаллаб умрни ўтказиш учунми? Шунча йил рангсиз, жим-жит ўтказган кунларингизнинг ҳаққини ҳам оладиган вақт келмадимикан. Бахт таваккал қилишга арзийдиган буюк неъматдир. Сизга чин дилдан омад тилайман.

Насиба РИЗАЕВА,
Тошкент шахри.

“Ғап-сўзлардан қўрқаяман”
22-сон

ЭСЛАТМА: Эрим ўзга аёлга кўнгли қўйганлиги боис 11 йилларки бир ўлада яшасак-да бегонадекмиз. Лекин яқинда ҳаётимга бир инсон кириб келди-ю, ўқисик қалбим малҳам топа бошладим. Кудда-андали чоғимга қалбимга бўл топа олган Б. акамни турмуш қуриш ҳақидаги тақлифига қандай жавоб беришни биламайман.

Муаллиф: С.

Хурматли С. биламан, сизга осон бўлмаган. 2 та қизни ёлғиз ўзингиз тарбиялаб, вояга етказиб, биттасини узатибсиз, бахтли бўлсин. Иккинчи қизингизни ҳам узатсангиз ёлғизлик сизга жуда ҳам қийин бўлса керак. Одам дунёга бир бора келади. Ҳар кимнинг севиб, севилиб ўйнаб-қулиб яшашга ҳаққи бор. Сизга бир нима деб айтишим қийин, лекин сизни тушуниб турибман. Бировдан ўтгани биров билмайди. Сиз айти ўйнаб-қулиб яшайдиган пайтингизда шунча кўргуликни бошингиздан ўтказгансиз. Ҳали ҳам бўлса қизларингизнинг отасидан, кудда-андаларингиздан андиша қилаяпсиз. Бу сизнинг ёмон хотин эмаслигингизни кўрсатиб турибди. Лекин эртага кичик қизингизни узатсангиз бир ўзингиз, ёлғиз қолишингизни тасаввур қилиб қўринг. Ота-она, ака-ука, опа-сингли ҳаммаси бор бўлсин-у, лекин сизга ҳам ёнингизда, уйингизда суянадиган тоғингиз, қалқонингиз, сирдошингиз бўлиши керак. Одамларнинг ғап-сўзидан қўрқманг, қизларингиз ҳам сизни тушунар. Нимага деганда шунча йил қизларингиз учун яшабсиз. Одам ўзи учун ҳам яшай керак-ку ахир. Жигарларингиз, жонқуярларингиз сизни тушунади деб ўйлайман. Бир нарсадан кечмагунча бошқа нарсага эришиб бўлмайди.

Тақдирни қўл билан яратур инсон, Фойибдан келажак бахт бир афсона.

Ҳар ким ўзи учун курашиб яшамоғи лозим. Тахт яратилади, аммо бахт яратилмайди. Бунини ўзингиз яратасиз, бунини учун қалбингизга қўлоқ тутинг. Юрагингиз амрига бўйсунинг. Хечдан кўра, кеч бўлса ҳам ўйнаб-қулиб, сизни тушунадиган одам билан бирга бахтли ҳаёт кечиршингизни тилдадошиман. Балки, орзу қилганингиз ўғил фарзандни худо энди берав... Эҳ-хе, бутун бошли, асосий ҳаётингиз олдинда ҳали. Бахтли бўлинг!

Зухра БОБОЖОНОВА,
Тошкент шахри.

Она кўнгли ранжимасин

Бу мақолани ўқиб қаттиқ таъсирландим. Ҳеч кимнинг жасади кўчада қолмайди. Маҳалла, қўни-қўшни, яқин жигарлари сўнги манзилга кузатиб қўядилар. Аммо, фарзанднинг ўрни бўлак, унинг хизмати ҳеч ким адо этолмайди.

Туккан онами, ё боққан—бу фақат Худого аён. Менинг ҳам аммам (адамнинг опаси)нинг ҳаёти ўша аёлнинг қисматига ўхшайди. Ўн тўртта фарзанд кўриб, барчасини тупроққа берган аммам эридан “қора хат” олгач, Файзулла исмли болани асраб олди. Файзулла унинг умид чирроғи, кўнгли қувончига айланди. Файзулла бекам ўсди. Мақтабни тугатиб институтга кирди. Ҳаётда қийинчилик кўрмаган бола: пахта мавсумидаги вақтинчалик ма-шаққатларга чидай олмади. Ўқишдан ҳайдалди. Уч-тўрт

“Айб асранди қиздамикан?”
24-сон.

ЭСЛАТМА: Опам бир қиз боқиб олди. Ўша Дилшода туфайли қайи-эгачиси билан юз кўрмас бўлди. Қизнинг беъматни қилиқлари опам билан поччамни тўшакка михлади. Уч-тўрт марта эр қилиб ҳам чиқди. Опамнинг чирроғини ёқиб ўрни-га, уйни ҳам сотиб юборибди. Энаш, дарахмизани кимга айталик?

Муаллиф: М. ШУКУРОВА

йил бебош, кўчаларда тентираб, чекиш, ичиш каби ёмон иллатларга берилди.

Уйланса, яхши томонга ўзгарар деган умидда онаизор не-не машаққатлар билан унинг бошини иккита қилиб қўйди. Аммо, надоматлар бўлсинки, ноқобил фарзанд ёмон йўлдан қайтиш ўрнига яна бир инсонни, яъни умр йўлдошининг ҳаётини саробга айлантирди. Уйлангач Файзулланинг яна янги “қирра-

лари” очила борди.

Оила муқаддас, у соф, тиник, бокира туйғуллар асосига қурилиши керак. Заррача ёлғон, алдов аралашса дил-дилга пайванд бўлмайди. Оиласига нопокликлар олиб кирган ношуд болага она зорланиб на-сихат қилди. “Биргина ўзингизни, хотинингни, болаларингни, мени хор қилмасан, болам”, дея зор-зор илгалаган аммамнинг гапларига парво ҳам қилмаган ўғил “Мени ури-шишга ҳаққингиз йўқ, чунки ўғайсиз. Менинг ўз онамни топиб беринг”, дея дўқ қилди. Бу гапдан дили вайрон бўлган аммам, балки ўз онаси билан танишса кўнгли жойига тушиб, тўғри йўлга қайтар деган умидда ўғлига ҳақиқатни баён қилди. Файзулла туккан онаси билан учрашди. Аммо, ахвол ёмонлашса ёмонлашдики, яхши бўлмади. Чунки, унинг туккан онаси учта боласини ташлаб бузуқ йўлга кириб кет-

ган экан. Шу бека-рор онанинг қони борлиги сабабми, Файзулла ҳар икки онасига ҳам меҳр қўймади. Уша-ўша тошмехр, боқиман-далигича қолаверди. Боласининг дардида аммам қўйиб-қўйиб бу оламни тарк этди. Умидини узган келин ҳам икки боласини олиб ота уйига кетиб қолди.

Ҳар қандай разил-ликнинг охири вайронлиққа олиб келиши аниқ. Шу боис ношуд боланинг қилмиши туфайли бир оила пароканда бўлиб кетди. Қўнларнинг бири-да маст ҳолатда кетаётган Файзуллани машина уриб кетди ва умри фожияли яқун топди. Тақдир уни икки қулоч кафан билан ҳам сийламади. Йиллар ўтиб улғайган ўғиллари отасининг қабрини ҳам топишолмади.

Албатта, ҳар бир ишининг жа-воби бор. Мақолада баён



қилинган Дилоромнинг қисмати ҳам охир-оқибат ана шундай ёмон ҳолатга етиши тайин. Токи бугун ўз қилмишларини тушуниб, тўғри йўлга қайтмас экан, оқибатда ўзига жабр бўлади. Чунки ота-она кўнглини вайрон қилган фарзанд ҳеч қачон қўқармайди.

Ҳикмат МАҲСУМОВ.




Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan etaklaringizni o'z suvratigiz bilan birga bizga jo'natang. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Xatlaringizni kutamiz.

Zuhra Xudayberganova,
Xorazm viloyati, Xorazm tumani 1 -
son litsey internat o'quvchisi



Hurshid Olimov,
Andijon viloyati,
Marhamat tumani Oltinboy
Tojiboyev nomli 35 -
maktabning 9 «B» sinf
o'quvchisi



$$1 + 1 = 2$$



Aygul Jnaberganova,
Toshkent shahri Mirobod tumani
Abdulla Avloniy nomli 328 -
maktabning 2 «B» sinf o'quvchisi



Zuhra Majidova,
Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri
Xudoyzod mahallasi, Sarbon ko'chasi 2-uy

(Боши ўтган сонларда)

Одамзот тирикчилигининг зийнати бир-бирининг қадр-қимматиға етиб, меҳр-оқибатли бўлиши биландир. Ҳар бир инсон ўз қадр-қимматини яхши билиши, уни асраб-авайлаши, иззат-иқромини ўрнига қўйиб, нафсонияти учун курашиши керак.

Қадр-қимматини эъзозлайдиган одам

НАБИРАЛАРИМГА НАСИҲАТЛАР

хокисор, камтар, камсуқум, ориятли, андишали, адолатли, иззат-нафсли ва ҳамиятли бўлади, ўз шаънига доғ туширмайди.

Камтар, камсуқум бўлганда ҳам одам ўз иззат-нафсини сақлаб қадр-қимматини билиши зарур. Камтарлик бу - ҳар кимсага икки букилиши, ўзини ҳаммадан паст тутиб, хокисор кўрсатиш эмас, албатта. Яхшиси, бу ҳақдаги доно ҳикматга амал қилиш лозим, яъни:

“Эгилганга эгилгин-бошинг ерга теккучча”...

Одатда яхши одамлар иззатталаб, ҳақталаб, илтимос талаб бўлишмайди. “Мен мана бундай меҳнат қилдим, мен мана бундай иш кўрсатиб қўйганман”, деб кўрақларига урмайдилар, айюҳаннос солиб, мукофот талаб қилмайдилар. Яхшилар ҳалол меҳнатлари билан эл-юртга катта фойда келтириб, камтарона ҳаёт кечираверадилар. Бундай инсонлар ҳар доим қадрли бўладилар. Халқ ўзи билади, кимни қандай қадрлашни, иззат-ҳурмат қилишни. Минг афсус, баъзида соф виждонли инсоннинг ёнида, атрофида калтафаҳм, худбин, нодон, елпатак, қора юракли нусхалар ҳам учрайди. Улар ҳалол яшаган пок одамни кўролмаб, ҳасад ўтида ёниб, унинг яхши номини ёмон отликка чиқаришга ҳаракат ҳам қиладилар. **Лекин, олтин хоса сингани билан баҳоси паст бўлиб қолмаганидек, яхши одамнинг қадр-қиммати ҳеч қачон йўқолмайди, унинг номи абадий ўчмайди. Дунёда яхши инсонлар бор экан, ёмонлик ҳеч қачон голиб чиқмайди, азиз болажонларим!**

“Уят - ўлимдан қаттиқ”, “Андишанинг оти - кўрқок эмас”, деган халқ мақоллари бор. Аммо орият уялишининг ҳам чегараси, меъёри бор. Ўта ориятли бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуддан айриладиган, оғзидагини олдириб қўядиган одам ҳаёт насибаларидан бебаҳра қолади ва қадр-қимматини йўқотади. Ўта тортинчқ одам дарё қирғоққа чиқариб ташлаган сомон парчасидек, кўпчиликдан ажралиб, четга сурилиб қолаверади.

Олдиға келган нарсани ейиш ҳайвоннинг иши, кўнглиға келган гапни айтиш эса нодоннинг иши. Бу ҳикмат ҳам кўп синовлардан ўтган. Сўзни ҳам ўйламай айтиб юборишдан бир одат сақлаб қолиши мумкин, бу ҳам бўлса-андишадир. Бирор гапни айтиш олдида албатта унинг кейинги оқибатларини ҳаёлан тарази палласига қўйиб кўриш, мулоҳаза юритиш ҳам андишали одамларга хос хислатидир. Одоб сақлаш, бетга чопмаслик, қаноат қилиш ҳам андишаға эшидир.

Андишани сукут сақлаш, дейиш нотўғри. Керакли пайтда керакли гапни топиб, мақбул сўзни ётиғи билан айтиш ҳам андишадир.

“Учоқбошини ҳеч қачон қўшиниғиз деворига такаб қўрманг, ўчоғиниғиздан чиққан тутун қўшиниғизнинг кўзини ачитса, еган овқатиниғиз ҳаром бўлади”, деган донишмандлардан бири. Бу албатта, соф ўзбекча андиша.

Лекин, афсуски, юқорида айтилганидек “Андишанинг оти кўрқок”, деб тушунадиган ноқаслар ҳам бор. Андишасиз аз-

баройи беандиша бўлгани учун дас-ти узун, тили бурро бўлса, номусли одам азбаройи андишали бўлгани учун қўли қисқа, тили қисқа бўлса, одамға алам қилади. Шунинг учун: “Отанғни ўлдирганға онанғни бер”, - деган мақол, гарчи кишини андишаға қақираётган бўлса-да, унинг замирида мутелик мавжуд. Бундай тобелик фалсафасидан воз кечиш лозим. Ўзини ҳақли деб ҳисоблаган одам албатта, ҳақиқат учун курашиши керак. Таникли адиб Ўткир Ҳошимовнинг: “Дафтар ҳошиясидаги би-

тиқлар” китобининг “Фарзандларимға ўғитлар” бобида шундай жумла бор: “Шижоатли бўл, аммо андишасиз бўлма, андишали бўл, аммо шижоатсиз бўлма”.

Азиз болажонларим! Ҳар ишда, ҳаётда ор-номусиниғизни, обрўйиниғизни сақланг. Ўзиниғизни ҳаддан ташқари виқорли ҳам, ҳаддан ташқари хокисор ҳам-тутманг-ўртача бўлинг. Ўта ширин бўлмангки, ютиб юбормасинлар, ўта аччиқ ҳам бўлмангки,

туфлаб ташла-масинлар.

Одамлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва муҳаббатни йўққа чиқарадиган, ўзига нисбатан нафрат ва адоват уйғотадиган нуқсонлардан бирикибру ҳаво, яъни мағрурлик ва мутакаббирликдир.

Бундай одамлар ўзини айб-сиз, нуқсонсиз

деб ҳисоблайдилар, ўзларига ортиқча баҳо бериб, манмансирайдилар, ўзгалар насиҳатини ёқтирмайдилар, гўё ҳамма нарсани биладилар ва маълумот-фурушлик қилиб, кўпчиликнинг нафратига учрайдилар. Шунинг учун, азиз фарзандларим, набираларим, зинҳор мағрур ва мутакаббир бўлманглар. Ҳар вақт ўйлаб, ўлчаб сўзлашда, зарурият пайдо бўлгандагина гапиршиға одатланглар. Кўп ўйлаб оз сўзлашда ҳикмат катта эканлигини асло унутманглар.

Танқид қилган, камчилигиниғизни кўрсатган одамдан ҳеч қачон ҳафа бўлиб юрманглар. Зинҳор аччиқланманг, танқид сизға фойда келтиришини унутманг. Аксинча, ундан тўғри хулоса чиқариб ўз ҳатолариниғизни тузатишға, кейинги ишлариниғизда хатоға йўл қўймасликка ҳаракат қилинглар.

Ҳамма нарсани биладиган киши шу вақтгача онадан туғилмаган. Нодон, жоҳил кишиларгина “мен ҳамма нарсани биламан, ҳамма илм-фандан яхши хабардорман” деб даъво қиладилар. Кимки ўзининг қалбига чуқур назар солар экан, кўп ҳолларда хато йўлдан бораётганини англаб етати ва беихтиёр камсуқум бўлиб қолади. У энди ўзининг ўқимшилиғига бино қўймайди ва ўзини бошқалардан юқори тутмайди.

Ортиқча ҳазилдан, масҳаралашдан, ёмон сўзларни ишлатишдан ва лақмалик қилишдан ўзлариниғиз тийинглар.

Сизни мақтасалар, яхшилаб ўйлаб кўринг, ўзиниғиз шунга лойиқмисиз-йўқми? Лойиқ бўлмасангиз билингики, сизни калака қилишган.

Ўз фойдангизни ўйлаб, обрўйиниғизни тўкманг. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлманг. Хусуматдан узоқ бўлиб, сизға бирон иш буюрсалар бажаринг, ваъда қилсангиз албатта, унинг урдасидан чиқинг, ҳеч кимни ноҳақ ранжитманг.

(Давоми бор)

Мансур АЛИЕВ



Хат



Хат

Мен ногиронлик нафақасидан, 5 нафар фарзандим бор. Ички ишлар идораларида хизмат қилганман. Хизмат бурчимни адо этиш пайтида авто йўл ҳодисага учрадим. Мени вилоят касалхонасига ётқизишди. Бир йилдан ортиқ даволанганим, ҳозирда ҳам ўзим юролмаслигим нақадар оғир аҳволдалигимни кўз олдингизга келтирсангиз керак.

Мен "кома" ҳолатида бўлганман. Операциядан 1 кун кейингина сал ўзимга келибман. Оилам ва менинг яқинларим ҳеч нарсадан хабарлари бўлмаган. Кейин билишимча, ҳодиса жойидан ўтиб кетаётган Фаргона вилоят ИИБнинг ходими, милиция капитани Гаппаров Каримжон ва Фаргона шаҳар ДАН ходимлари мени касалхонага олиб боришган. Улар етиб келгунча мен автомашинада ҳушсиз қолиб кетганман. Кўп кун йўқотганман.

Шу кунгек, вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси раҳбарияти, Фаргона шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими ходимлари мен учун қон топишган. Врачларнинг маълум қилишича, шу тунда 16 нафар милиция ходими қон топишган. Шундан кейин ҳам мени 4 марта операция қилишди. 8 ой касалхонада бир жойда ётдим. Кейинчалик, мен хизмат қилаётган Учкўприк тумани ИИБнинг ходимлари ҳам мен учун қон топишди. Улар ҳам моддий, ҳам маънавий томондан мени қўллаб туришди.

Мен, мени ҳаётга қайтишимда жуда катта инсонийлик ва олижаноблик намуналарини кўрсатган милиция полковниги Камолитдин Очилов, милиция подполковниги Таваккал Раҳматуллаевга, мен учун қон топишган Фаргона шаҳри, Учкўприк тумани Қўриқлаш бўлими милиция ходимларига, қўшнилари ва ҳамқишлоқларимга жуда катта раҳматлар айтман. Бошим ерга теккунча таъзимдаман. Оиламиз умрбод

тиб ўтай, ҳамкасбларим, ҳамқишлоқларим, маҳалламиз одамлари, ўртоқларим, фарзандларимни ўртоқлари мендан хабар олишди, оиламизни қўллаб-қувватлаб туришди.

Мен ҳам ёмон одам, ёмон ҳодим эмас эканман, - деб ўзимни ўзим юпатаман. Ўзимни ички ишлар соҳасидаги хизматим давомида, раҳбарлик

улардан миннатдор.

Нокамтарлик бўлса ҳам ай

Лекин... Мен яхшилик, одамгарчилик тўғрисида миннатдор бўлиб ёзаяпман-у, дилимни қайсидир жойи оғрийди. Кимнидир ёмон дегим келмайди. Лекин хафа бўлар экансан киши.

Ўша кун, яъни, авария содир бўлганда, мени автомашинам билан тўқнашиб кетган автомашина эгаси ҳодиса жойидан ўзи йўловчи автомашинада ўғли билан касалхонага етиб келган. Унинг қўли синган. Ўғлини оёғи синган. Улар 10 кунда даволаниб чиқиб кетишди. Бир эажада ёнма-ён хонада ётдик. Бирон марта мени холимни сўра

даёқ, милиция ходими эканлиги, мени яхши билиши ва бир тумандан эканимизни билиб, ўлим бўлмади, ўзи ҳам ўғли ҳам, жароҳат олди, деб жиноят иши кўзготмасликлари ҳақида ёзма равишда баёнот берганман.

Уйимизда эса, прокурор терговчиси: - Мана кўраясиз, акаимизни аҳолини. Хар иккинчи бу милиция ходимисиз. Менинг ҳам дадам авто аварияга учраганди. Мен касалхонада уларга қарардим. Бу ҳолатни мен жуда биламан.

Касалхонада ётиш, даволанишнинг ўзи бўлмайди. Сиз нима қиласиз, - деб у одамдан сўради. У эса: - Шароитим оғир. Ҳозир ёрдам кўрсата олмайман, деди.

Менинг жуда аччиғим чиқди ва: - Мен сизнинг ёрдамингизни кутаётганим йўқ. Касалхонада 6 ойдан буён ётибман, бир марта хабар олмадингиз-ку? - дедим ва юзимни четга бурдим. Улар кетишди. Эртасига мени яна касалхонага ётқизишди.

Мен, мени ногирон қилган ўша одамни кутганим йўқ. Ҳеч нарсадан умидвор ҳам эмасман. Мен ҳозир ҳам дўёда яхшилар кўпчилигига ишонаман.

Ушбу воқеани ёзаётиб, унинг исмини айтиш шарт эмас, деб ҳисобладим. Унинг отасини танирдим. Яхши одам дейишди.

Менга алам қилгани, уларнинг оиласидан ҳеч бир киши менинг оиламга ҳамдардлик ҳам билдирмабди. Мен буларни анча кеч билдим.

Бу ёмонликми, оқибатсизликми ёки одамгарчиликни билмасликми? Андишам? Мен хатимда фақат яхшилар ҳақида, исми-шарифлари билан ёзиб, миннатдорчилик ихроқ қилмоқчи эдим. Афсус, уларнинг ҳаммасини танимайман. Уларнинг ҳаммаси мени ҳам танимас. Демак, яхшилик қилиш учун, инсонлар бир-бирларини танишлари шарт эмас экан-да... - Сиз нима дейсиз?

Муҳторжон ТОШҚУЗИЕВ,
Фаргона вилояти,
Бағдод тумани.

Бу ёмонликми...



мади. Олдимга кирмади. Кейинчалик ҳам хабар олмади. Менга биринчи марта 6 ойдан сўнг, вақтинча 1 ойга уйга рухсат беришди.

Мана шундагина шаҳар прокуратураси терговчиси билан уйга келишди. Аҳолимни кўрди. У

фаолиятимда кимнидир ноҳақдан ранжитмадимми, - деб кўп уйлайман...

Мана, 2 йил бўлди. Ногиронман. Бу яхшиликлар, олижанобликлар ҳақида миннатдорчилик билдириб, газетга хат ёзишни юрагимга тугиб юрардим. Мана аҳолим анча яхшиланди, хат ёза оладиган бўлдим. Мени даволаган, яхши шароит яратиб берган шифокорлар ва ҳамшираларга алоҳида раҳматларим бор. Соғ-омон бўлишсин...

киши ҳам милиция ходими бўлган. Собиқ, Тergовда ишлаган. Ҳозирда вилоятда нуфузли идораларда ишлайди. Кейин билсам, авто аварияда мени айбисиз эканлигим аниқланган, прокурор терговчисининг қистови билангина келган экан. Аввалига вилоят техник экспертизаси тан олмасдан, ҳужжатларни республика экспертизасига юбортирган. Мен эса, булардан хабарим йўқ, касалхонада ётган пайтим

ЛОҚАЙДЛИК ҚУРБОНИ

Қўшнимизни шириндан-шакар 2 та фарзанди бор эди. Ота-онасининг овунчоғи, бувижону буважонларининг эркатойлари эди.

Бир кун нима бўлди-ю, отаси Термиз йўналишидан келаётган "Дамас"ни тўхтатиб ўғлини, Жарқўрғонга, яъни қариндошиникига жўнатди. Ҳайдовчи манзилни айтиб, йўлда тушириб кетишини тайинлаб, ўзи эса уйига қайтиб бориб майда-чўйда ишлар билан овунчи кетади. Айтилган манзилга келгандан кейин ҳайдовчи машинани тўхтади. Бола эса машинадан туша солиб, йўлнинг нариги томонига ўтиш учун югуради. У чопиб ўтаётганда ўша ерда бир йўловчи машина туртиб кетиб, бола ерга йиқилади. Болани туртиб юборган машинадаги ҳайдовчи эса зудлик билан уни шаҳардаги жонантириш бўлимига олиб боргандан сўнг боланинг уйдагиларига хабар беради.

Орадан 3 кун ўтди. Қариндош-уруғлари ёпирилиб келишди. Лекин дўхтирларнинг ҳаракатлари зое кетди. Бола оламдан ўтди. Ўша ондаги ота-онанинг аҳолини кўринг! Бошини қайси тошга уришни билишмасди. Катталарнинг лоқайдлиги туфайли гулдек бола бевақт оламдан кетди. Агар отаси ёш боласини олисга ёлғиз юбормаганда шу ҳол юз бермасмиди?! У энди бу қилган ишидан бир умр афсус-надомат билан яшайди.

Мен шу воқеадан қаттиқ таъсирлиб. Ота-оналарга шундай деб айтгим келди: фарзанд учун озгина вақт ажрата олмасангиз, қандай отасиз, қандай онасиз?

Дилрабо БЕРДИНАЗАРОВА,
Сурхондарё вилояти,
Жарқўрғон туман
Норали Боймуродов ж/х бр. 7.

умрлари узок, ҳаётлари фаровон кечишини тилаб қоламан.
Назокатбону МЎМИНОВА
Тошкент шаҳар,
Юнусобод туманидаги
274-мактабнинг 1999 йил
битурувчилари номидан.

"Илк бора мактабга борганимда, устозим Адиба опа ҳар бир ҳарфнинг ёзилишини, талаффуз билан ўқилиш сирларини ўргатганлар. Нафақат мен, балки бошқа синфдошларим ҳам Адиба опани "Ада-Ойи" деб юборишарди. Балки ўша пайтлари ўйинқарок, балки болалик шўхликларга бой дамларимиз бўлгани учунми, устозимиз

барчамиз ҳар томонга учирма бўлдик. Ҳар биримиз ўзимиз севган соҳа бўйича ўқишга кирдик. Бу-гунги кунда ҳаммамиз ҳаётнинг турли жаҳалларида яшаш-яраташ билан бандмиз. Эндиликда Адиба опани синфдош-

НАҚ ҲАРФНИ ТАНИТГАН

бу қақаришларимизга кўни-кич кетганлариданми, бизга қараб мулоим қолиб кўярдилар. Устозимизнинг дарс ўтиш услублари ўзига хос эди. Қандай қилиб бўлса-да ўқувчиларнинг барчасини эътиборини жамлаш учун нималарни ўйлаб топмасдилар-а!

Дейлик, қим беш баҳо олсанга битта юлдузча тақдим этардилар. Албатта ҳар бир ўқувчи ана шу митти юлдузчаларни қўллаб қўлга киришти, учун астойдил ҳаракат қиларди. Натижада аълочилар кундан-кун кўпайиб борарди. Юкори синфда ўқиётганимизда ҳам бу "беллашув" давом этди. Албатта бу ютуқларимиз тинмай ўқиш ва изланишнинг меваси эди. Биздаги қувватни, шиддатни ишга солишда, бошқаришда устозимиз Адиба опага ҳар қанча тахсинлар айтсак оз деб биламан.

Хуллас, мактабни тугатган

ларимнинг никоҳ тўйларига учратиб қоламан. Одамлар орасидан Адиба опанинг нурли чехралари, меҳр тула кўзаларини тезда таниб оламиз.

Ҳа, Адиба опа нафақат мактабда, оилада ҳам ўз қадри, ўрнига эга. Тотув бир хонадоннинг суюкли ва ардоқли бекаси, икки ўғилнинг меҳрибон онажониси. Уз маҳалласининг жонқуяр фалларидан, у кишини маҳалладаги каттаоқчиқ ҳурмат билан тилга олади.

Шу фурсат ганиматда азият-муқаррам устозим — Юнусобод тумани, Октепа маҳалласида жойлашган Юсуф Мўминов номи 274-ўрта мактаб ўқитувчиси Адиба опа Содиковага

Ҳозир ҳар бир хонадонда телефон бор. У аҳолиб нараса, узоғимизни яқин қилиб, олис-яқиндаги жигарларимиздан ҳол-аҳвол сўраш имконини беради. Аммо, мана шу беминнат ёрдамчидан фойдаланиш қоидасини ҳамма биларми?

Яқинда бир

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

"

катта маданият, қолаверса санъат ҳам.

Ахир таниш-нотаниш одамлар ҳам учрашганларида бир-бирларига "Ассалому алайкум!" - дейишга ўзаро инсоний муомала-муносабат, айниқса, телефон орқали сўзлашиш одоб-ахлоқи ҳақида сабоқ бериб боришса нур-устига аъло нур бўларди.

Болаларни ёшлукдан қисқа ва лўнда, чиройли қилиб сўзлашишга ўргатиш керак. Эҳтимот, кимнингдир назарида бу арзимаган нарсасидир. Лекин, мана шу арзимаган нарсанинг одоб-ахлоқидан, маданиятидан далолат беради.

Кекса ўқитувчи сифатида мен шунга айтишни истардим. Мактабларда устозлар ўқувчиларга биринчи синфдан бошлаб ўзаро инсоний муомала-муносабат, айниқса, телефон орқали сўзлашиш одоб-ахлоқи ҳақида сабоқ бериб боришса нур-устига аъло нур бўларди.

Болаларни ёшлукдан қисқа ва лўнда, чиройли қилиб сўзлашишга ўргатиш керак. Эҳтимот, кимнингдир назарида бу арзимаган нарсасидир. Лекин, мана шу арзимаган нарсанинг одоб-ахлоқидан, маданиятидан далолат беради.

Марат АХМЕДОВ,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи,
меҳнат фахрийси.

Телефонда сўзлашиш одоби

гўёки унутамиз.

Кекса ўқитувчи сифатида мен шунга айтишни истардим. Мактабларда устозлар ўқувчиларга биринчи синфдан бошлаб ўзаро инсоний муомала-муносабат, айниқса, телефон орқали сўзлашиш одоб-ахлоқи ҳақида сабоқ бериб боришса нур-устига аъло нур бўларди.

Болаларни ёшлукдан қисқа ва лўнда, чиройли қилиб сўзлашишга ўргатиш керак. Эҳтимот, кимнингдир назарида бу арзимаган нарсасидир. Лекин, мана шу арзимаган нарсанинг одоб-ахлоқидан, маданиятидан далолат беради.

Марат АХМЕДОВ,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи,
меҳнат фахрийси.

Телефонда сўзлашиш одоби

гўёки унутамиз.

Кекса ўқитувчи сифатида мен шунга айтишни истардим. Мактабларда устозлар ўқувчиларга биринчи синфдан бошлаб ўзаро инсоний муомала-муносабат, айниқса, телефон орқали сўзлашиш одоб-ахлоқи ҳақида сабоқ бериб боришса нур-устига аъло нур бўларди.

БОЛАМГА ЎХШАЙДИ ОВОЗИНГ САНИ...

Турмуш сабоқлари

Сарлавҳани ўқиб "Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам" қиссасидаги она фарёдини эслагандирсиз? Муҳаббат оташида ёнган Фариб, чўлу биёбонлардан ўтиб, фарзанд доғида кўзи ожиз бўлиб қолган онасига дуч келади. Онаизор унинг овозидан таниб, Фариб узатган бир пиёла сувни кўлига олиб: "Боламга ўхшайди овозинг сани", - дея нола қилади. Бу нола қалбларни ҳар қачон ларзага солади. Қарангки, ҳаётда худди мана шунга ўхшаш воқеалар учраб тураркан...

Онаси Сожидани дўмбоқ қизим, деб эркаларди. Ростдан ҳам унинг хусну жамоли ҳавас қилгудек эди. Маҳалланинг борки йигитлари гоийбдан унга ошиқ бўлиб юрарди. Улар орасида эндигина ўн олти ёшга тўлган Дилмурод ҳам бор эди. Гарчи у Сожидадан уч ёш кичик бўлса ҳам, уни чин юракдан севиб қолганди. Нима қилсинки, Дилмуродни ҳали уйланмаган икки акиси бор эди.

Сожида эса Дилмуроднинг муҳаббатидан умуман беҳабар юрарди. Шундай бўлдики, Сожиданинг отасини розилиги билан уни шу маҳалладаги Икромжон исмли йигитга унаштириб қўйишди. Бундан кўплар ҳайрон бўлишди ҳам. Чунки Икромжон касалвандроқ, одамовор йигит эди. Ана шу кунлари Дилмуроднинг вужуди кайгу исканжасида юрарди. Ота-онасига нима дейишни билмай дили вайрон эди. Охири чидайолмай, онасини ўз муҳаббатидан огоҳ қилди.

Нималар дейсан болам, - ҳайрон бўлди онаси. - Сен Сожидадан уч ёш кичиксан. Уйланмаган иккита аканг турибди. Отанг эшитиб қолса, нима дейди? Миянган чикариб ташла, бу хом-хаёлини.

- Чикара олмайман! - бақриб юборди Дилмурод. - Мен уни севаман! - Хе, ҳархашанг курсин, - қўл силтади она. - Уни унаштириб қўйишди-ку! Аввало акаларингга ўхшаб вояга ет. Ёшингга мос келадиган қизлар топилади, болам.

Бироқ ўша кунлари Дилмурод алам исканжасида бўлгани учун онасининг насиҳати қор қилидиган ҳолатда эмасди. Сожидани узатишадиган кун у кишлоқни тарк этди. Акалари уни қидиришиб, ҳеч қаердан топиша олмади.

Агар ихтиёр Сожидани ўзида бўлганида, Икромжон билан турмуш қуришга розилик бермаган бўларди. Нима қилсинки, отасининг раъйига қарашга мажбур эди. Бу ёқда маҳалланинг йигитлари Икромжонга ҳавас қилишиб, унинг тўйида роса ўйнаб-қулишди. Такдир ана шундай экан-да.

Маҳалладагилар Дилмуроднинг муҳаббатидан ҳам огоҳ бўлмай қолшамди. Кўпчилик унинг изтироблари ўсмирликнинг ҳархашаси деб тушунишди.

Уни ҳовридан тушиб, уч-тўрт кунда қайтиб келади, деган ҳаёлга боришди.

Бошга тушганини кўз кўраб экан. Орадан олти йил ўтиб кетса ҳам Дилмурод уйга қайтмади. Бу йиллар ичида Икромжон билан Сожида учта фарзандли бўлишди. Бироқ фарзандлар отасига тортибми, касалванд, инжиқ бўлиб улғайишаётганди. Бунинг устига Икромжон ҳам бир кун соғ бўлса, бир кун касал, уйнинг калта-култа ишлари билан овора эди. Қолаверса, рўзгорни



учма-уч тебратиш ҳам Сожиданинг жонига тега бошлаганди.

Сожида такдирга тан бериб яшашга мажбур эди. У жиндай бўлсам даромад топиш учун касалхонага фаррош бўлиб ишга кирди. Худди ана шу кезларда Дилмурод пайдо бўлиб қолди. У негари чап оёғини оқсаброқ босаётганди. Айтишларича, у анчагина тентираб юргач, йилкичилик фермасидан ўзига иш топибди. Олдинроқ оёғига бешлиқни санчиб олган экан. Ўша жойни газак олдириб юборибди.

Дилмурод эрталабдан касалхонага қатнайди. Оёғини даволатиб, орқасига қайтади. Кунларнинг бирида, у пол юваётган Сожида билан тўқнаш келиб қолди. Шу жойда нигоҳлар тўқнашди. Дилмуроднинг кўзларидан унинг бутун орзу-армонлари, ҳаёлу изтироблари шу бир сониянинг ўзида ялт этиб, чақнагандай бўлди. Гарчи Сожиданинг олдинги чиройи йўқолиб, чехраси синикиб қолган бўлса-да, Дилмуроднинг қалбидagi ушалмаган орзулари уни дарҳол сергаклантирган эди. Сожида ҳам бунинг сезгандай бўлди...

Кўп ўтмаёқ маҳаллада: "Сожида икки ўғил ва бир қизини эрига ташлаб, Дил-

мурод билан қочиб кетибди", - деган гап тарқалди. Бундай исноддан бечора Икромжоннинг бир дарди ўн бўлди. Ғам келса, бир йўла келади, дейишди. Икромжон кетма-кет икки фарзандини тулроққа топширди. Онасининг кўкрак сутига тўймай қолган бешикдаги Камолиддин билан қолди. Камолиддин тўрт ёшга тўлгач, Икромжон ҳам бандалиқни бажо келтирди. Сожида билан Дилмурод эса ўша бўйи дом-дараксиз кетишди. Камолиддин аммасининг тарбиясида қолди...

Йиллар ўтиб бу воқеа унутилиб ҳам кетди. Баъзи баъзида маҳалладагилар: "Сожида билан Дилмурод чўлда яшапти экан, ўғил фарзандлар кўришибди", - деб қолишарди. Камолиддин эса эслихушли бўлиб улғайди. Аммаси уни уйлантирди ва у оиласи билан ота эшигига қайтиб келди. Институтни ҳам битирди. Ҳозирги пайтда шаҳарга катнаб ишлайди. Ишхонасида ҳам жуда яхши кадр топиб қолган. Одамларга жуда оқибатли. Баъзан хизмат юзасидан биргаликда ишлашимизга ҳам тўғри келиб қолади. Кунларнинг бирида Камолиддинни тасодифан чўлда учратиб қолдим. У аллақандай шикоят билан борган экан, Камолиддин менга шундай таклифни айтди:

- Биринчи бўлиб менинг ишимни битирсак, кейин сизнинг ишингизни охирига етказиб, биргаликда шаҳарга қайтаверамиз.

Мен ана шунга рози бўлдим. Чунки Камолиддиннинг иши унчалик кўп вақтни олмасди. Кўзи ожиз бўлиб қолган бир аёл ёрдам сўраб шикоят ёзган экан. Хатни кўргач, маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси бош силкади.

- Бу аёлнинг учинчи бор шикоят ёзиши. Кўзи ожиз бўлиб қолган. Ўтган йили эрини трактор уриб юбориб, ҳалок бўлганди. Бир эмас, учта ўғиллари бор. Лекин ҳаммаси меҳрсиз. Икки ўғли неча йиллардан буён Россияда юришибди. Кичик ўғли гиёҳванд модда билан кўлга тушиб қамалиб қолганди. Оилада меҳр-оқибат бўлмаса ҳам қийин экан-да.

Дарвозаси бир томонга қийшайиб қолган ҳовлига кириб бордик. Ҳовли иверсик кетган, уйлар, ўчоқ бошлари ҳам фэйзсиз эди. Айвондаги сўрида ўтирган аёл хиралашган-ёшлаган кўзларини биз томонга тикиб, овоз берди.

- Кимсизлар? Абдурахиммисан?

- Йўқ, хола, биз! - йўл бошлади маҳалла оқсоқоли. - Хат ёздирган экансиз. Ана шуни текширгани келишибди.

- Шунақами? Мендан ҳеч қим хабар олмапти-да. Овқат қила олмасам, чой қайната олмасам. Тўғри, кўни-қўшнилари чиқиб туришибди-ю, бироқ қачонгача уларни кутаман?!

- Келинингиз қани? - савол ташлади оқсоқол.

- Кетиб қолганига бир йилча бўлапти. Ўғлим бўлмаса, келин турармиди?!

- Россиядаги ўғилларингизни чақириб олмайсизми?

- Уларнинг кетишганига саккиз йил бўлди. Ўзларига тўқ, бир сўм жўнатганлари ҳам йўқ.

Камолиддин аёлнинг ёнига ўтириб, ўзини таништирган бўлди.

- Ёздирган хатингизни ўқидим, хола. Менинг исми Камолиддин. Биздан қандай ёрдам керак, айтинг?

- Қамокдан ўғлимни чиқариб беринглар. Ўлиб-нетиб қолсам, мени ким кўмади, бу ерда?

- Ўғлингизни қамокдан чиқариш бизнинг қўлимиздан келмайди. Қонун ҳаммага баробар-да, хола. Пулдан, озиқ-овқатдан бўлса, озроқ ёрдам қилишимиз мумкин.

- Раҳмат, Камолиддин болам, - ҳўнграб йиғлаб юборди аёл. - Менинг ҳам Камолиддин деган ўғлим бор эди. Отангизни исми нима?

- Отамизнинг исми Икромжон, - ҳўрсинди Камолиддин.

Аёл бирдан жиддийлашиб, Камолиддинга ўғирлиди.

- Наймандан эмасмисиз, болам?

- Ҳа, ўша ёқданман. Кимларни танийсиз, у ёқдан?

- Тешабди тоға деганни.

- У киши менинг оппоқ дадам бўладар.

Аёл айюханнос солиб, йиғлаб юборди. Ҳаммамиз таажубда унинг юпанишини кутиб турдик. Аёл ҳўрсина-ҳўрсина Камолиддинга ўғирлиб, аччиқ ютди:

- Ўғлимга ўхшатдим овозингни. Камолиддин болам!

Ҳаммамиз саррайиб қолдик. Мен аёлнинг юзига боқиб, уни бир вақтлар маҳалланинг энг гўзал қизи бўлган Сожидага ўхшатдим. Ҳа, у ўша аёл эди.

Камолиддин нима бўлаётганига тушунай, туриб қолди. Кейин аёлга ўғирлиб шундай деди:

- Узр! Менинг аям оламдан ўтганлар.

Аёлнинг фарёди юракларимизни эзиб ташлади. Бундай учрашувни ҳеч биримиз кутмагандик. Камолиддиннинг қўли қалтираб, олиб келган ёрдам пулини аёлнинг қафтига омонатгина қўйиб, ўрнидан турди. Биз дарвозадан чиқиб кетганимиздан кейин ҳам бешикдан боласини ташлаб қочиб кетган Сожиданинг охи ҳамон эшитилиб турарди.

К. НИШОНОВ

САЛОМ, ЯНГИ ҲАЁТ

(Боши 13-бетда)

- Карим ака тез тоғора олиб келинг. Вой бўла қолинг... қимматбаҳо гиламингизни расво қиламан, бўлинг! - астойдил ўқий бошлади аёл. Каримкул шовиб қолди ва чопиб бориб кир тоғорани келтириб хотинининг олдига қўйди. Маъсума қийналиб-қийналиб қайт қиларкан, эри унинг бошини қаттиқ қисиб ушлади. Юз-қўлини ювиб, артиб турғизди-да ётоқча олиб кета бошлади.

- Магста хизмат қилиш яхши эканми? Меҳрибончилигингиз менга ёқадми. Сизга ҳам ёқармиди. Йўқ, ётмайман, ётмайман, ҳали ичамиз.

- Майли... - эри ноилож уни меҳмонхонага бошлади. Хонтахтанинг атрофига тўшалган кўрпачага ётқизиб, бошига ёстиқларни тўғрилади. Маъсума ҳам ин-

дамайгина ётди. Унга бугунги дахшатли воқеалар жуда ҳам оғирлиқ қилганди. Эри устига кўрпа ёпиб қўяр экан, аёл кўнглида мамнулик сезиб жилмайиб қўйди.

- Кимдир сенга меҳрибонлик қилаётганини ҳис қилиш қандай яхши. Айниқса - яқинларинг... Раҳмат...

Каримкул индамади. Бироздан кейин аёл хонтахтанинг нариги томонида ётган эрини қўриб кўнгли ёришди.

- Яқин кишингни сендан ҳавотир олишини ҳис қилиш учун қийналган ҳам арзийди. - Маъсума маъза қилиб эсонди-ю уйкуга кетди.

Маъсума уйғониб ҳайрон бўлди. Кечаги воқеани эслаб ошхонага чопиб борди. У ердаги аҳволни қўриб қапалағи учди. Бу ҳам етмагандай ер билан битта

синиклар ўртасида эри стул суянчигига ястанганча бошини чалиштириб олган кўлларига ташлаган қўйи шифтга тикилиб ўтирарди.

- Вой ўлмасам, - деди Маъсума елкасини қисганча негадир юзини қафти билан қия яшириб. - Дадаси... ҳалиги... ўлай агар... мен... - Каримкул индавермагач баттар ваҳимага тушиб пиқиллаб йиғлашга тушди.

- Маъсума, биласанми, кеча кимни кўрдим? - Эрининг ҳеч нарсани эшитмаётгандай бамайилхотир гапиришдан аёл ҳайрон бўлди. Йиғидан тўхтаб, Каримкулнинг оғзига тикилиб қолди.

- Анаву, илгари ишлаган мактабининг директори Саида опани йўлда учратиб ишига ташлаб қўйгандим. Зарур гапим бор дея, қўярда-қўймай мактабга етакларди. Кираверишдаги фоеда ўша... қиз пайтингдаги катта расминг ҳали ҳам осигилқ турган экан. Юрагим шув этди. Шунақа чиройли қулиб турибсан-ки, ўша

даврга қайтиб бориб қолгандай бўлдим. Хуллас, Саида опа сени ишга чақирдилар. Нима дейсан? - Эри унинг қўзига тикилди. Маъсуманинг тили ҳеч айланмас, алланарсалар демокчи бўлиб лабларини қумирлатарди. Холос. Ахйир ўзини боса олмай ёноқларига ёш қуйилди.

- Ҳа, айтганча, қандил қолиб кетибди-ку, - деди эри қулимсираб. Аёл бирдан эрининг қўчига ўзини оттиси келди-ю, шартта ўтириб кўллари қалтираганча синикларни тера бошлади.

- Ҳа, майли. Сен буларни йиғштиргунингча болаларни ўлғотиб, кийинтириб тураман. Бугун бир маъза қилиб айланиб келайлик.

Аёл эрининг орқасидан ажабланиб, ҳайрат билан қараркан, қўлидаги синикларга қўз ёшлари чак-чак томарди. Лекин у буни мутлақо сезмасди.

Насиба РИЗАЕВА.
Тошкент



Уйларни йиға туриб, қўлимга бир кассета тушиб қолди. "Ўғил тўй" деб ёзиб қўйилган экан. Қўйиб кўргим келиб кассетани видеога жойладим.

Экран ёришиб. Ҳар доимгидек озода-ю, ораста, ҳовлимиз тўйга келган меҳмонлар билан лик тўла. Ана, сингилларим, овсинларим. Ҳаммамиз биргалишиб карнай-сурнай навосига рақсга тушамиз. Давраммизга қайнотам-адажонимиз яқинлашиб пул ўтирадилар. Ҳар доимгидек озода кийинган, бошларида охори тўкилмаган дўппи ялтиллаб турибди, юзлари-ю кўзларида табассум.

Уша йиллари ҳаммамиз анча ёш эканмиз. Бу хонадон, ушбу уйлар жуда кўп тўй-ю тантаналар, яхши кунлар гувоҳи бўлган. Ҳар бир тадбир қайнотам Шавкат ака жонбозликларига, жонқуярликларига ўтар эди.

Мен бу оиланинг тўнғич келинимман. Тўйимиз "Наврўз" байрами арафасида бўлган.

Тўйдан кейин оила суҳбатларида тўй ҳақида жуда кўп гаплашар эдик. Шунда адажоним:

- Баҳорга тўйни белгилаб қўйиб об-ҳаводан жуда хавотир олганман. Ахир тўй деган кўпчилик билан, ўйин-кулгу билан ўтадиган маросим. Ёмғир ёғиб турса, тўй татирмиди? Ҳамама ўз иши, юмуши билан банд. Ким тугун тугади, сарпо тахлайди, қизлар кийим танлаш билан банд. Мен эса кунига бир

неча бор об-ҳаво маълумотини эшитаман. Кечалари уйқум ўчиб, ҳовлига чиқиб осмонни кузатаман. Юлдузлар чарақлаб, ой кўринса, мендан бахтли одам йўқ. Баҳор-баҳорда, ёгингарчилик фасли, билиб бўладими?

- Тайёргарчилик қалай? - сўрардилар адажоним.

- Ҳа, энди унчалик эмас.

- Ҳеч хавотир олманг. Сиз ўзимнинг аёлочи келинимсиз. Ишонаверинг, бу сафар ҳам албатта ҳаммаси "аёло" бўлади, болажонимга ўзим қарайман. Биласиз-ку, ўзим қараб, ўзим ухлатиб қўяман. Ҳеч хавотир олмай бемалол имтиҳонингизни топшириб келаверинг.

Кўнглим тоғдек кўтарилди, бу ғамхўрлиги, бу меҳрибончиликдан. Баъзан, ёш боласини,

шу суҳбат ёдимга тушаверади. "Оллоҳ раҳмат қилсин", - дейман хўрсиниб. Қандай меҳрибон, ғамхўр, эътиборли, одамохун эдилар. Юрагим ҳам алам, ҳам кўмсаб хўсси билан бир уриб қўйганлигини сезаман. Фақатгина бизга эмас, барчага баробар ана шундай меҳрибон, ғамхўр эдилар. Бирор киши касал ётса, хоҳ уйда, хоҳ касалхонада бўлсин, албатта бир неча бор кўнгли сўраб келардилар. Опалари-ю поччалари, жияларини доим ишдан бўш вақтларида кўриб суҳбатлашиб келишни яхши кўрардилар.

Маҳалладаги тўйларда, тадбирлару ҳашарларда бош-қош бўлиб қатнашар эдилар.

Ишдан, хизматдан бўш вақтларида юмшоқ ўриндикка ёнбошлаган қўйи радиоприёмникнинг "Машъал" тўлкинидан янгроччи қуй-қўшиқларни мароқ билан кўзларини юмганча тинглашни севардилар. Кўпинча келинларнинг ишини бугун бир енгиллаштирай, деб ўзлари қозон-товоққа уннаб турли овқатлар ҳам пишириб берардилар. Юмушларимизни қилиб олгунимизча галма-гал болаларимизни тўнларнинг барига ўраганча кўчага олиб чиқиб ўйнатиб келар эдилар. Ўйнатибгина қолмай, гапиришни, санашни, атрофни кузатишни ўргатардилар. Кўз олдингизга келтиринг, мурғакки-на бола ўзини тутиб олиб, шеър ўқиб берса хурсанд бўлмайсизми? Ойлангиздагиларнинг нафақат сизга, болангизга бўлган меҳр-муҳаббатидан севинмайсизми? Шу оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўла олгангиз сизни тўлқинлантirmайдими?

Буларнинг барчаси қўшни келинларнинг ҳавасини келтирарди.

- Дадангизни бизга ҳам бериб туринглар. Мунча яхшилар, омадингиз бор экан.

- Йўқ, асло! - деймиз биз ов-

синлар, - Дадажонимиз ўзимизга ҳам кераклар.

Қайнотам оила ҳамжиҳатлигини, аҳиллигини яхши кўрардилар. Дастурхон атрофида барча баробар йиғилиб ўтирганлини ёқтирардилар. Агар кечки овқатга бирор киши кечроқ қолса, имкони борича қутиб туришни талаб қилардилар.

Ойижонимизга адажонимиздан жуда катта мерос: уч ўғил, уч келин, икки қиз ва бир этак набиралар қолди. Фақат бугина эмас, энг асосийси яхшилик, эзгулик, меҳр-муҳаббат, аҳилчилик қолди. Адажонимиз бирор ихтиро, янгилик яратмадилар, буюқ асарлар ёзмадилар. Улар инсоннинг кўнглини топа билдилар, меҳр кўрсата олдилар, юракларни эзгуликка тўлдирдилар. Бу эса ҳаммамнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Баъзан ишимизни, турмушимизни баҳона қилиб ота-онамиз билан вақтида дийдорлаша олмаймиз, хаста ётган қўшнимизни кўриб қичоқлашмиз, бошига ташвиш тушган яқинимиздан кўнгли сўраш, далда ва кўмак бериш учун вақт топмаймиз. Ахир, бунинг учун кўп нарсаси талаб қилинмайди. Оддийгина ташрифнинг ўзи етарли-ку. Бу жиҳатдан адажонимиз буюқдилар.

Адажон! Сиздан айрилганимизга ҳам ўн йил бўлибди. Сиздан кейин уйимиз бироз фэйзсиз, нурсиздек бўлиб қолган. Яхшиямки, ойижонимиз борлар. Уша сиз меҳр-ла эркалаб бағрингизда катта қилган набираларингиз олийгоҳларда ўқишмоқда. Фақат, сиз орамизда йўқсиз. Аммо руҳан ҳаммаша биз билан биргасиз. Сиз бизнинг ёдимизда, дилимизда, тилимизда, дуоларимизда, хурсандчилик, байрам кунлари ёзилаб дастурхонларимиз тўридасиз.

Меҳри ҚУРБОНБЕКОВА, Тошкент шаҳри.

КўНГЛИНИ ТОПА БИЛАРДИЛАР

Эҳтиёт чорасини кўриб қўйдик, барибир, "ишқилиб ёғмасинда", деб илтижо қиламан. Бундан қаранг, ёмғир ёғмай тўйимиз кўнглидагидек ўтди. Худого шукр. Ҳаво ҳам қулиб турибди ўзингизга ўхшаб.

- Ўзингизга ўхшаб... - такрорлайман ичимда. Кўнглимда аллақандай ҳислар уйғонади, севинаман, қулиб қарайман. Юрагимда бу юзлари қулиб турган инсонга нисбатан муҳаббат уйғонади.

Янги оилага ўрганиб олишимга, оила аъзолари билан чиқишга кетишимда ҳам адажонимнинг ҳиссалари жуда катта.

"Қизим", - деб қақирсалар, "болам", деб мурожаат қилсалар, боримни тортиқ қилиб, истаган юмушларини бажаришга тайёр эдим. Айниқса, тўнғич фарзандимни ўзлари севиб, эркалаб катта қилганлар.

Турмушга чиққанымда ҳам ишлар, ҳам ўқир эдим. Ўғлим олти ойлигида олийгоҳда битирув давлат имтиҳонларини топширишимга тўғри келган. Ҳар кунли лекция, кейин имтиҳон. Ана ўшанда ҳам адажоним, ойижоним жонимга оро киришган. Буви си қарасин, дейишмади. Келинчилик, уй юмушлари, ёш бола билан бўлиб, баъзан тузуккина тайёргарлик қила олмас эдим.

хатто чақалогини кўтариб имтиҳонга келган айрим кўрсодларим кўз олдимга келадими, шундай меҳрибон қайнона ва қайнота берганлигига, шулар билан бирга яшаётганлигига Оллоҳга шукрлар айтаман. Бу салтанатнинг подшоҳи одил. Шунинг учун бу салтанатда доим меҳр-муруват, ҳақиқат, ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлик ҳукм суради. Табиатан жуда қувноқ, ҳазилхас, хурсандчиликни яхши кўрадиган одатлари бор эди — адажонимнинг. Ҳар сафар бозорга отланганларида:

- Бозордан сизга нима олиб келай? - деб сўрардилар.

- Ҳўрозқанд, - дейман ҳазиллашиб.

- Майли, агар шуни егингиз келатган бўлса, олиб келганим бўлсин, - дейдилар қулиб.

Ёки баъзан:

- Аттанг, бозорда хўрозқанд сотмай қўйибди, ўрнига шоколад бўлмайдими?

- Бўлмайди-да... - дейман чўзиб.

Хандон отиб қулганларича йўлга тушадилар.

Мана, орадан кўп йиллар ўтди. Энди ўзимиз рўзгор учун бозор-га борамиз. Ҳар гал бозор халталарини қўлга олганимда ана




ОТА - ҲАЁТ БОҒБОНИ

Ҳар гал уйга "Оила ва жамият" тахламларини олиб борсам, дадажоним мақолаларни ўқиб: "Бу ўзбекча газета бўлипти-да, ҳаёт зарбаларини енгилда яхши кўмақдош-да. Ёшларни ҳаётга тўғри йўллашда, адашган йўللاردан қайтаришда маслаҳатгўй бу", - дея, - такрорлардилар.

Отам Райим Ҳожи Бо-

зор ўғли 40 йил гидромелиоратор бўлиб ишлаганлар. Самарқанд вилояти Каттакўрган туманининг суғориладиган ерларига сув чиқарган бўлсалар, Мойбулок, Андоқ деган сувсиз дашт зоналарига каналлар, ариқлар қазиб, сув билан у жоиларни обод этганлар! У кишининг заҳматли меҳнатларидан ҳосил бўлган узумзорлар, мевазор боғлар гуркираб яшаб турибди. Отажоним дунёвий билимларни, шу билан бирга диний билимларни мукаммал эгаллаган эдилар. Бот-бот бизларга Муҳаммад с.а.в. пайғамбаримизнинг "Ҳеч бир ота ўз фарзандига ҳуқуқ одобдан буюқроқ мерос беролмайди", - деган Ҳадисларини эслоб турардилар. Ҳаммамизни тўғри сўзликка, меҳнатсеварликка, самимиётликка, одамлиликка ўргатардилар. Онам билан бирга 6 қиз, 4 ўғилни тарбиялаб, ҳар биримиз



илм олиб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга таянч бўлдилар.

Отам кенг тафаккурли, диёнатли, жуда ҳам саховатпеша, илмли киши эдилар. "Туғилган кунларингда бир-бирингизга қимматбаҳо буюмлар эмас, мазмунли китоблар совға қилинг, ўзингиз ўқийсиз, сиздан сўнг

фарзандларингиз ўқиб, ибрат оладилар", - дея уқтирардилар.

Отажоним ҳар гал баҳор келиши билан ўз қўллари билан, ҳар биримиз учун атайлаб кўчат олиб келиб, ҳовлимизга экиб қўярдилар. Мана бу йил набиралари учун олиб келиб экиб берган тилослари қийғос гуллаб, ҳосилга кирди.

"Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтли дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида зебу-зийнат, душманларга қарши қурашда қурулдор", - дердилар доим отажоним.

Азиз ва муҳтарам падари бузрукворимиз, фарзандларига ибрат бўлгулик ҳаёт йўлини босиб ўтдилар. Илоҳим жойлари жаннатда бўлсин!

Гулбаҳор Райим Ҳожи қизи, Каттакўрган шаҳри.

ЎТИТЛАРИНГИЗ ҚАЛБИМИЗДА

Қадрдоним "Оила ва жамият! Дадам Бобомуродов Султонмурод Мирзаевич сени саҳифаларингдаги мазмунли мақолаларни ўқиб, бизларни ундан ибрат олишга чорларди. Бугун қўлимда қалам билан фидойи дадажонимнинг ҳаёт йўлини, ибратли ишларини сенинг саҳифаларинг орқали акс эттиришга аҳд қилдим. Зора дадажонимнинг руҳлари шод бўлса...

Дадажоним турли йилларида қишлоқ мактабларида ўқитувчилик, директорлик қилганлар. 79-мактаб биноси таъмирига муҳтож ҳолатда эди. Дадажоним мактабни ҳашар йўли билан таъмирлаб, бу ерда ошхона ҳам қурдирганлар. Директор бўлишига қарамай, ҳаммадан олдин ўзлари иш бошлаган. Кейин ўқитувчилар, ўқувчилар ёрдамлашганини бизга шогирдлари кўп марта айтишган. Дадам бизларга ўзлари қилган ишлари ҳақида хикоя қилиб берардилар. Айтишларича, мактаб ошхонасини қуриш пайтида бир туп теракни кес-тирганларни учун бир қария: "Нимага ўзинг экмаган дарахтни кесдинг", - деб дағдаға қилган экан. Шунда меҳнаткаш дадажоним 200 туп терак келтириб, мактаб атрофига эктирган эканлар. Мана ҳозир ўша теракларнинг ҳар бири қуқоқча сиймас даражада ўсиб ётибди.

Дадажоним Тайлоқ туман халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлаган кезларида қишлоғимизда яна бир мактаб қад кўтарди. Бу мактаб қурилишида дадажоним бош-қош бўлган. 1992 йил дадажонимга "Халқ маорифи аълочиси" унвони берилди.

Уша йили декабрда қон босимлари кўтарилиб, тўшакка михланиб қолдилар. Дадам оилада меҳрибон, ширинсўз, шу билан бирга қаттиққўл ота ҳам эдилар. Ҳақиқатан ота оғибди экан. Биз фарзандлар дадажоним билан фахрланамиз ва бу улуг инсоннинг номини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаймиз.

Не кўргулик меҳрингизга тўғелмадик, бир умрга айрилганимиз нахот сиздан? Фарзанд бўлиб сизни рози қилолмадик, Отажоним рози бўлиб кетинг биздан.

Дунё кўриб, ҳаловатини билмадингиз, Ҳалол юриб, ҳаромга қўл урмадингиз. Мард эдингиз номларига қўл бермадингиз, Отажоним рози бўлиб кетинг биздан.

Сиз кетдингиз биров меҳр бермас экан, Қизим дея ҳеч ким бағир очмас экан. Фарзандингиз доди сизга етмас экан, Отажоним рози бўлиб кетинг биздан.

Машхура БОБОМУРОВА, Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани, Катта Тайлоқ маҳалласи.

ПОДАГРА: ТУЗ ЙИГИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!



ТАНАНГИЗ СИМИЛЛАБ ОГРИЯПТИ

Подегра артрити сурункали касаллик ҳисобланади. Бу танадаги модда алмаишувининг бузилиши оқибатида келиб чиқади. Қондаги натрий тузи, сийдик кислотасининг миқдори ошиб кетади. Оқибатда у суюқларга, бўғин, оёқ ва қўллардаги майда қон томирларига йиғилади. Тузларнинг бундай йиғилиши подегра тугунчалари ҳосил қилади. Подегра танадаги барча қон томирларини, шунингдек, буйрак ва юрак томирларини ҳам зарарлайди. Бунинг натижасида бирлаштирувчи тўқималарда ўзгаришлар юз беради.

Агар сиз бўғинларингизда тўсатдан ўткир оғриқ, сезсангиз, улар қизариб, шишиб, қичишган ҳар қандай ҳолатдан бўғинларингизда қисирлаш пайдо бўлса, бу подегра хуружининг бошлангич берида. Подегра асосан тунда безовта қилади. Навбатдаги хуруждан кейин сал оғриқ пасайгандек бўлади. Аммо, подегра касаллиги бўғинларнинг ўзгаришига, артрозининг кучайишига сабаб бўлади. Баъзан эса подегра сабабли бўғинлар бутунлай ишдан чиқади.

● **Подегранинг бошланиши:** У баъзан наслий бўлиб, танадаги сийдик кислотасига айланувчи нуклеин кислотасининг бузилишидан, кўпинча эса наслдан юқишидан пайдо бўлади.

● **Подегранинг иккинчи хуружи:** бу даврда қондаги касалликлар, қалқонсимон безлар ва юрак томир-тизими хасталиклари кучайиб боради.

Подегранинг асоратлари жуда хавфли ҳисобланади бундан энг кўп буйрак

Кечаси ўзингизни аёло даражада ҳис этаётган эдингиз, аммо... Аммо, ҳаво ўзгармаган бўлса-да, бузун бўғинларингиз симиллаб-симиллаб оғрияпти. Айниқса, бармоқ ва товоғингизнинг оғриғига сира чидаб бўлмайди. Бунинг сабабини тушунолмай, оғриқдан бошингизни деворга ҳам ургудексиз. Бу подегра касали хуружи. Демак, подегра ўзидан дарак берапти.

азият чекади. Сийдик пуфагида тош йиғила бошлайди. Пелонефрит, гломерулонефрит, нефресклероз, буйракнинг ишдан чиқиши ҳар беш нафар бемордан бирининг бевакт ўлимига ҳам сабаб бўлади.

Айрим ҳолларда подегра радикулит, фарингит ва аллергия касалликларини ҳам қўзғаб юборади. Бу касалликнинг хавфли томони шундаки, у айниқса, бошланишида унчалик сезилмайди. Унча оғриқ бермагани ва буюриқ хуруждан кейин яна йўқ бўлиб кетгани учун бошида бу касалликка ҳеч ким унчалик эътибор бермайди.

Асосий ташхисни эса орадан 5-8 йил ўтгандан кейин қўйишади. Бу пайда эса у тананинг ҳамма аъзоларида аллақачон ўз асоратини қолдирган бўлади. Унинг асоратлари эса жуда ачинарли ҳолатларга олиб келади.

БУ КАСАЛЛИКНИНГ НОМЗОДЛАРИ

Кейинги йилларда тиббиётчилар бу касалликнинг ниятда кўпайиб кетаётганини афсус билан кузатишмоқда. Бунинг эса бир неча сабаблари бор.

● **Нотўғри овқатланиш натижасида** семириб кетиш, спиртли ичимликларга ҳаддан ташқари берилиш, бу



касалликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ҳамма гап шундаки, сийдик кислотаси кўпроқ оксилли маҳсулотларда бўлади. Уларни кўп ейилиши аъзоларда қолган асоратларни чуқурлаштиради. Улар буйракдан бу кислотанинг тезда чиқиб кетишига ҳалал бериб бу жараёни секинлаштиради.

● **Подегра касали ривожланишига** қон босими, қанд ва юракнинг ишемик касаллиги ҳам сабаб бўлади.

● **Мабодо подегра наслдан ўтган бўлса**, унда танада буйракдан чиқиб кетишига улгуролмаётган жуда кўп миқдорда сийдик кислотаси мавжуд бўлади.

БАЛКИ ОЛДИНИ ОЛАРСИЗ?

Юқорида айтилганларни ўқиган кишиларда подегра ҳақида энг ёқимсиз таассуротлар пайдо бўлиши табиий. Агар бунинг кўз олдингизга келтирмаган бўлсангиз, унда яна қайтадан ўқийингиз керак! Хўш, бунинг олдини олиш мумкинми?

● **Ўштни камроқ истеъмол қилинг.** Ҳеч қачон гўшт еб, ортидан спиртли ичимлик ича кўрманг. Бунинг ўрнига ўзингизни кўпроқ меваларга уринг.

● **Жисмоний машқлар билан ҳар кун шугулланг.** Югуринг, волейбол, футбол ўйнаг. Машқлардан сўнг, бўғинларингизни ёқимли иссиқлик пайдо бўлгунча уқаланг.

ТАШХИС ҚЎЙИШ ОСОН!

Агар бўғинларингиз мунтазам оғриси, албатта ревматолог шифокорга учрашинг. Подеграга аниқ ташхис қўйишнинг ўзига ҳос, мутлақо хато қилмайдиган текшириш усули бор. Касалликни қанча барвақт аниқласангиз, шунча кўп ютасиз ва ундан муваффақиятли даволаш орқали халос бўласиз.

Подегра ўзига ҳос дори-дармонлар билан даволашади. Таркибида қолхичин бор воситалар ишлатилади. Қаттиқ хуруж қилганда эса шомоллашга қарши ҳалдорлар тавсия этилади.

Диққат! Дориларни ичаётганингизда аллергия ҳолатини кўзгатмаслиги учун шифокор тавсия этганидан ортиқ миқдордагисини ичмаслигингиз керак.

ДАСТУРХОНГА МАРҲАМАТ!

Даволаш пайтида парҳеъга қатъий риоя қилиш талаб этилади. Бир кунда албатта 3 литр суюқлик ичилиши шарт. Тананинг сувсизлиги буйракнинг ишлашини қийинлаштиради ва сийдик кислотасининг қон таркибига олиб кетишига сабаб бўлади. Подегра касали билан оғриган беморларнинг таомномасида қуйидаги маҳсулотлар бўлиши шартдир.

Маслаҳат:

Болтиқбўйи халқлари подегра касаллигини қуйидаги усулда даволашар экан.

100 грамм, тузланмаган мол ёғи олиниб идиш билан оловга қўйилади. Ёғ қайнагандан сўнг кўпини йиғиб олинади. Сўнг кўпик устига ярим стакан тозаланган вино спирти қўйилади. Яхшилаб аралаштирилади. Сўнг ушбу аралашмани ёқиб, спиртни қуйдиришган. Ҳосил бўлган малҳамни олишиб, подеградан зарарланган жойларга суришга ва беморни қаттиқ терлаши учун яхшилаб ўраб қўйишган. Бу усул яхши шифо бўлади.

Сут ва сут маҳсулотлари. оқ ва қора нон, асал, бўтқа, сабзавот, мевалар, мураббо, мева ва лимон шарбатлари, сабзи, бодиринг, бир ҳафтада икки дона туҳум, 200 грамм гўшт, ёғсиз балиқ ейиш тавсия этилади. Зирavorлардан фақат дафна (лавр) барги ва сирка истеъмол қилиш тавсия этилади. Ош тузини эса бир кеча-кундузда фақат 1/2 чой қошиқга рухсат берилади.

Маҳсулотлар: зирavorлар, гўшти шўрва, қовурилган ва дудланган гўшлар, калла-почча, ичак-қорин ва улардан тайёрланган таомлар, балиқ, қўзиқорин, ловия, шовул, қаҳва, шоколад ва ҳамма спиртли ичимлик турлари қатъиян таъқиқланади.

ЎЗИНГИЗНИ ДАВОЛАНГ!

Ҳар ҳафтада бир кун оч қолинг. Шу куннинг охирида мойчечак (ромашка), маврак (шалфей) дамламаси билан ҳукна (клизма) қилинг. Бунинг учун бир ош қошиқдан ушбу доривор ўтлардан олиб, устига бир стакан қайноқ сув қуйинг-да, икки соат тиндириб қўйиб, кейин ишлатинг. Оч пайингизда фақат илиқ сув ичинг. Эртаси кун эса худди олдингидек, гўштсиз, балиқсиз ва туҳумсиз таомларни есангиз бўлади. Айнан шу парҳеъни бир йилда ҳеч бўлмаса икки ой давомида бажарингиз керак.

ТАБИЙ ЎТЛАР БИЛАН

Подегра даволаш учун турли малҳам ва ҳалдорлардан фойдалансангиз яна яхши фойда беради. Табиий ўтлардан эса мана бундай усул билан дамлама тайёрлашингиз мумкин.

● 3 ош қошиқдан череда, далачай (зверобой), уч рангли бинафша, зигир уруғи, қичитки ўт, ва яллиғини оласиз.

● 4 ош қошиқ қариқиз (лопух) илдизи, кийикут, 3 ош қошиқ қора андиз, уч рангли бинафша, смородина барглари, укроп уруғи, лимон ўт:

● 4 ош қошиқ далачай, 3 ош қошиқ қоқиқул (одувачик) илдизи ва кулмок (хмел) ғудачаларини 2 ош қошиқ зигир дони:

Тайёрланган аралашмаларингиздан 2 ош қошиқдан оласизда, устига бир литр қайноқ сув қуясиз. У кечаси билан туриши керак. Эрталаб сузиб оласиз-да, 1/2 стакандан овқатланишдан ярим соат олдин ҳар кун тўрт маҳалдан ичасиз. Бу муолажани уч ой давом эттирасиз. Кейин 2 ҳафта танаффус қиласиз. Сўнг худди шу аралашмалардан, шу тарзда дамлама тайёрлаб яна ичасиз. Ушбу муолажани бир йилда камида икки марта қайтариш керак бўлади.

Подегра хуруж қилганда ушбу аралашмалардан 6 ош қошиқ олиб, бир литр қайноқ сув қуйиб дамлаб, 2 ҳафта давомида ичиб юришингиз керак. Икки ҳафтадан кейин эса, яна аввалгидек овқатланаверасиз.

Саҳифани ДИЛДОР ва ҲАМИДА тайёрлашди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтариб берилмайди. Ёзма жавоб берилмайди. Газетадан қўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темуру кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

ҲОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 637. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 12167
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ
Расмом — Н. ХОЛМУРДОВ
Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА
Мусаххих — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 6